

№23-24
(1510)
2024-YIL
26-DEKABR

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АЁЛЛАР ОРАСИДА ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аёллар орасида онкологик касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш, скрининг жараёнларини самарали ташкил қилиш, замонавий скрининг усулларини амалиётга кенг жорий этиш, ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш ҳамда мутахассисларнинг билимларини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш мақсадида:

Давоми 2 –бетда ▶



Саïда МИРЗИЁЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг ёрдамчиси:

– Юқоридаги ҳужжатга халқаро клиник амалиётлар асос қилиб олинган. 30 ёшдан бошлаб аёллар ҳар 10 йилда инсон папилломаси вирусига тест топшириши, 45 ёшдан 65 ёшгача эса ҳар 2 йилда маммографиядан ўтиши керак бўлади. Ҳар бир аёл электрон рўйхатга киритилади ва ҳар қандай хавфли ўзгаришлар аниқланганда тизимда “йўқолиб қолмайди”. Дастур аниқ ҳаракатлар ва даволаш протоколларини ўз ичига олган. Албатта, бу жуда қатта қадам ва ушбу ўзгаришлар жараёни шахсан ўз назоратим остида бўлади.



Янги йил байрами билан барчангизни табриклаймиз!



Сиз учун ушбу йил умидли ва баракали йиллардан бири бўлиб қолишида ҳамда ушбу йилда улкан муваффақиятларга эришингизга тилақдошмиз.

Бу йилда ҳам Сизга яқин инсонларингизнинг меҳр-оқибатларидан бахраманд бўлиб юриш бахти насиб этсин.

Янги йилда ҳаётингизда ижобий янгиликлар бўлишига тилақдошмиз.

Хонадонингизга битмас-туганмас бахт-саодат, қут-барака ва қувонч кириб келсин. Дастурхонингизда доимо тўкин-сочинлик ҳукмрон бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги

БИРЛАМЧИ БЎҒИНДА ТИББИЁТ СИФАТИНИ ОШИРИШ АСОСИЙ ВАЗИФА БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида соғлиқни сақлаш соҳасида қилинган ишлар ва 2025 йилга мўлжалланган устувор вазифалар кўриб чиқилди.

Бу соҳадаги сифат ўзгаришлари шаҳардан то чекка ҳудудларгача, болажонлардан тортиб кексаларгача – ҳамманинг ҳаётида акс этади. Шу боис унга ажратилаётган бюджет маблағлари ҳар йили кўпайтириб борилмоқда. Барча ижтимоий хизматлар қатори тиббиёт ҳам халқимизга яқинлаштирилмоқда. Бирламчи бўғинда 18 мингдан зиёд тиббий бригада ташкил қилинган. Касалликларни аниқлаш ва даволаш амалиётига замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Ихтисослашган тиббий хизматда диагностика усуллари 500 дан, даволаш усуллари эса 800 дан ошди. Хусусий тиббиёт ривожига кенг йўл очилгани туфайли хизматлар тармоғи ва танлаш имконияти кўпайди.

2024 йилда соҳага 36 триллион сўм ажратилган эди. Бу ўтган йилга нисбатан 25 фоиз кўпдир. Бирламчи бўғинда 6 турдаги скрининг текшируви йўлга қўйилди. Натижада 106 минг одамда қандли диабет, 194 минг нафарда юрак қон-томир, 2 мингдан зиёд аёлда саратон, мингга яқин болаларда онкогематологик касаллик эрта босқичда аниқланди. Даволаш сифати ва самарадорлиги алоҳида эътибор талаб қилади. Шу мақсадда 2 мингдан зиёд мутахассис хорижда қайта ўқитилди. Натижада ҳудудлардаги юқори технологик операциялар улуши 61 фоизга етди. 43 та йўналишдаги 191 та клиник протокол халқаро андозалар асосида янгиланди. Ихтисослашган мар-

казлар ва филиалларда бу йил 100 минг бемор имтиёзли йўланма асосида даволанди. 7 та ихтисослашган марказ сифат назорати бўйича халқаро аккредитациядан ўтди.

2025 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига 41 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бунинг ҳисобидан янги шифохоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш, мавжуд қувватларни кенгайтириш, тиббий кўрик қамровини кенгайтириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги асосий вазифа – бирламчи бўғинда тиббиёт сифатини ошириш эканини таъкидлади. Бунинг учун вазирлик вертикалини ҳудудларда тўғри ишлатиш, айниса, чекка ва оғир туманларга эътиборни кучайтириш вазифаси қўйилди. Бу бўйича туркиялик экспертлар 6 та ҳудуддаги тиббиёт муассасалари фаолияти ва улардаги кўрсатилаётган тиб-

бий хизматлар ўрганилди. Ўрганишлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматларини тизимли ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Мутасаддиларга бу масалани чуқур таҳлил қилиб, бирламчи бўғин трансформацияси бўйича қарор лойиҳаси тайёрлаш топширилди. Ушбу йўналиш ходимларининг малака ошириш дастури такомиллаштирилади. Назарий билим ва кўникмаларни эгаллашдан компетенцияларни ривожлантиришга босқичма-босқич ўтилади. Шунингдек, келгуси йил тиббиёт ходимларининг ойлик лавозим маошлари оширилади. Оилавий шифокорларнинг меҳнат самарадорлиги асосида устама тўлаш тартиби жорий қилинади. Ҳудудларга бўлаётган эътибор изчил давом эттирилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хо-

разм, Қашқадарё вилоятларида давлат тиббий сугуртаси амалиётлари жорий этилади. Марказлашган лаборатория хизматлари кенгайтирилади. “Харидлар маркази” ва унинг 13 та ҳудудий филиали ташкил этилиб, тиббий жиҳозлардан фойдаланиш электрон тизим орқали назорат қилинади. Яна 35 та йўналишдаги 400 та миллий клиник протоколлар ишлаб чиқилади. 7 та ихтисослашган марказ ва 2 та олий таълим муассасаси халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Йнгилишда кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, тиббий ўқув юртларида таълим сифатини ошириш, уни амалиёт билан ҳамоҳанглигини мустаҳкамлаш, битирувчиларнинг бирламчи бўғинда тажриба орттиришини ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И**АЁЛЛАР ОРАСИДА ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

◀ Давоми. Боши 1 –бетда

1. 2025-2030 йилларда Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини назорат қилиш дастурини (кейинги ўринларда – Дастур) амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш доирасида:

тиббийнинг бирламчи бўлинида 30-65 ёшдаги аёлларнинг электрон базаси (рўйхати) шакллантирилади, уларни тиббий кўрикка таклиф қилиш тизими яратилади;

ҳар йили 30-50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги одам папилломаси вирусини полимераза занжирли реакция текшируви усули орқали аниқлаш ҳамда суюқлик цитологияси усулида текшириш йўли билан амалга оширилади. Бунда манфий натижа аниқланганда улар 10 йилдан сўнг қайта текширувдан ўтказилади, мусбат натижа аниқланган аёллар кўшимча текширувга йўналтирилади;

саратонли ҳолатлар аниқланган аёллар амбулатор даволаш учун Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиалларига йўналтирилади;

30-65 ёшдаги аёллар ҳар 2 йилда бир маротаба тиббиёт ходимлари томонидан бирламчи саралашдан ўтказилади. Бунда кўкрак беши текшируви 45 ёшгача бўлган аёлларда ультратовуш диагностикаси усулида, 45-65 ёшдаги аёлларда маммография орқали амалга оширилади;

скрининг натижасида онкологик касалликка чалинганлиги аниқланган беморларни ташхислаш ва даволаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. 2025 йил 1 январдан бошлаб:

а) туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларига соғлиқни сақлаш тизимида мақбуллаштирилган штат бирликлари ҳисобидан қуйидаги штат бирликлари киритилсин:

онконазорат хоналари учун акушер-гинеколог шифокор;

мобиль ва стационар маммографлар ишини 2 та сменада ташкил этиш учун рентген-лаборантлар;

б) Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Маммография тасвирини ўқиш маркази ташкил этилсин ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида амалга оширилган кўкрак беши саратони бўйича скрининг натижалари ушбу марказнинг ягона ридинг тизимига интеграция қилинсин;

в) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида одам папиллома вирус дијагностикаси учун қўлланиладиган тест тизимлари сифатини назорат қилиш бўйича референс-лаборатория фаолияти йўлга қўйилсин.

4. Саратон касаллиги назорати соҳасидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) 2-иловага муво-

фиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки:

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказлари Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади;

онкологик касалликларни ташхислаш ва даволаш бўйича тиббий жиҳозлар, ускуналар ва сарфлов материаллари хариди мажбурий тартибда Кенгаш билан келишилади ва тақсимланади.

Бунда Кенгаш томонидан тиббий жиҳозлар, ускуналар ва сарфлов материалларини муассасалар кесимида рационал тақсимлаш мақсадида маълумотлар базаси шакллантирилади;

Кенгашга бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининг текширувлари билан камраб олинган аёллар ёшини молиялаштириш манбалари асосида мустақил белгилаш ваколати берилади.

5. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини назорат қилишга қаратилган лойиҳаларни (кейинги ўринларда – лойиҳалар) мувофиқлаштириш;

лоийҳалар доирасида фақат синовдан ўтган тестлар, фармацевтика маҳсулотлари ҳамда вакциналар, далилларга асосланган дијагностика ва даволаш усуллари қўлланишини назорат қилиш;

Дастурга оид харидларни амалга оширишда, маблағлар ва тиббий ускуналарни тақсимлашда, қарор қабул қилишда Кенгаш аъзоларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, жамоат саломатлиги этикасига асосланиб қарорлар қабул қилиш;

бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони юзасидан скрининг текширувлари амалга оширилган аёллар ёшини соғлиқни сақлаш бўйича халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб белгилаш;

лоийҳаларнинг натижаси ҳақидаги маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминлаш.

6. Кенгаш аёлларнинг бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининги билан қамровини кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини мунтазам жалб қилиб бориш чораларини кўрсин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Дастур Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда сифатли амалга оширилишини таъминласин;

б) Стратегик ислохотлар агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар Дастурни мониторинг қилиш, тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари меҳнати самарадорлигини ҳар олти ойда бир марта баҳолаш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скринингига нодавлат тиббиёт ташкилотларини жалб қилиш чораларини кўрсин ҳамда давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилган хизматлар харидини Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси орқали амалга ошириш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скринингини ўтказишда кўрсатилган хизматларнинг харид нархлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланади;

г) бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининг текширувлари натижасида аниқланган беморларни даволаш учун 2025 йилда қўшимча маблағлар талаб этилганда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ушбу харажатларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининг текширувларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

е) 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб:

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида гинеколог мутахассисларни бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скринингига ўқитиш бўйича ўқув курсларини йўлга қўйсин;

клиник ординатура ва магистратуранинг гинекология ва онкология мутахассисликлари, шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув дастурларига бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлашга ўқитиш бўйича модуллар киритсин;

ж) «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ билан биргаликда 2025 йил 1 майга қадар:

бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш тизимини жорий этсин ҳамда скрининг регистри юритилишини йўлга қўйсин;

скрининг дастурига киритилган аёллар билан қайта алоқа қилиш тизимини (мобиль илова ва бошқалар) жорий этсин;

з) 2025 йил 1 майга қадар илғор халқаро тажрибани инобатга олиб, скрининг алгоритмларини назарда тутган ҳолда саратонли касалликларни, бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш бўйича миллий клиник баённомаларни тасдиқласин;

и) Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий

тиббиёт марказининг ҳудудий филиалларини полимераза занжирли реакция текширувларини ўтказиш учун тиббий ускуналар, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг онконазорат хоналарини зарур тиббий жиҳозлар билан таъминласин.

8. Стратегик ислохотлар агентлиги 2025-2030 йиллар давомида бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони скрининг мониторингини ва Дастур самарадорлигини баҳолашни амалга оширсин.

9. Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратонини эрта аниқлаш ҳамда назоратини амалга ошириш учун зарур тиббий жиҳозлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда жойларда «маҳалла еттилиги»га аёллар ва уларнинг оила аъзолари орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаш, даволаш ҳамда оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини ўтказишни ташкил қилиб борсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

турли мақсадли гуруҳлар (ўсмирлар, катта ёшли аёллар, эракалар) учун хавфли ўсма касалликлари ва уларнинг хавф омиллари, профилактикаси, эрта аниқлаш ва даволашнинг муҳимлиги тўғрисида телевидение, радио, интернет ва босма оммавий ахборот воситалари орқали кенг қўламли ахборот кампанияларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кенг форматли ташқи реклама объектларига махсус баннерларни ўрнатиш ва аҳоли гавжум жойларда роликларни тизимли намойиш қилиш чораларини кўрсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 ноябрь,
ПҚ-402-сон

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ

Ихтисослаштирилган тиббий хизмат халққа янада яқинлашмоқда. Кейинги йилларда Республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари сони - 10 тадан 25 тага, уларнинг худудий филиаллари 2 тадан қарийб 300 тага етказилди. Касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида 2017-2024 йилларда диагностика усуллари -70 тадан қарийб 550 тага, даволаш усуллари - 60 тадан 800 тага кўпайди. Худудларда юқори технологик операциялар улуши 61 фоизга етказилиб, пойтахтга келиб даволаниш кўрсаткичи 24 фоизга қисқарди. Жумладан, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббий марказида донордан олинган суяк кўмиги ўзак ҳужайралари трансплантацияси йўлга қўйилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юрак нуқсонидан азият чекувчи беморларда 3D-эндоскопик усулда мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш ўзлаштирилди. Энди замонавий кардиохирургик хизмат олис ва чекка туманларга ҳам кириб борапти. Шу мақсадда фаолият бошлаганига кўп бўлмаган Миллий тиббий марказига Европадан замонавий кўчма кардиожарроҳлик мажмуалари олиб келинди. Ушбу уникал техника олис худудларда истиқомат қиладиган, айниқса, ногиронлиги бор, касаллик сабаб тўшаққа миҳланиб қолган оғир беморларни яшаш жойининг ўзида кўриқдан ўтказиш ва уларда зарур операцияларни бажаришга хизмат қиляпти. Бундай амалий саъй-ҳаракатлар Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларининг туманлар даражасига тушиб ишлаётгани, ушбу муассасалар етакчи шифокорларининг жойлардаги тор соҳа мутахассислари билан кўникмаларини оширишга

венерология ва косметология илмий-амалий тиббий маркази ҳам халқро аккрдетациядан ўтди. Бундан ташқари, куйидаги муассасаларга ISO 9001:2015 ва ISO 7101:2023 халқро сифат стандартлари жорий этилганлиги муносабати билан махсус сертификатлар топширилди: Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббий маркази, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий маркази, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббий маркази.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Оналар ва болалар саломатлиги ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш индикатори ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда бу соҳа мутлақо янгиликлар асосида ислоҳ қилинмоқда. Янгиланишлар, энг аввало, тиб-

тўғри парваришlash борасида ижобий натижалар учун асос бўлмоқда. Ҳозир патронаж дояси ўз участкасидаги ҳар бир ҳомиладор аёлнинг уйига кириб бориб, амбулатор ва стационар шароитдаги текширув ва даволаш жараёнларини назоратга олиб, шахсан кузатиб борапти. Ҳар бир доя ўзининг “Муваффақиятлар архиви”ни яратаяпти, яъни унинг кўмаги билан саломатлиги яхшиланиб, ҳатто ўлимдан сақлаб қолинган аёллар ҳақида батафсил ёзиб боради. Шунингдек, уйма-уй юрган ҳолда “Муаммоли ҳомиладорлар рўйхати” шакллантирилиб, шифокорлар ёрдамида бундай аёллар саломатлиги тикланмоқда. Яна бир ислоҳот: 2023 йили давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан учта алоҳида марказ негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббий маркази ташкил этилиши ҳам бу соҳадаги энг муҳим янгиликлар сирасидан. Ҳозир аёллар ва янги туғилган чақалоқларга барча зарур хизматлар, хусусан, ўсмир қизларга ёрдам кўрсатиш,

сертификатини қўлга киритди. Президентимиз муассаса ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан меҳнат жамоаси номига алоҳида табрик йўллаб, бир гуруҳ ходимлар юксак давлат мукофотларига лойиқ қўрилгани барча акушер-гинекологларга катта куч-ғайрат бағишлади. Замонавий тиббий йутуклари чақалоқларда юзага келиши мумкин

тузилмалар ташкил этилди, замонавий шифо масканлари очилди. Хусусан, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 22 январдаги тегишли қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида



ҳомиладорликка тайёргарлик ва антенатал парваришдан бошлаб, туғурук, туғурукдан кейинги парваришгача бўлган жараёнлар ушбу марказ ва унинг филиалларида амалга оширилмоқда. Натижада кейинги йилларда оналар ва гўдақлар ўлими сезиларли даражада камайди. Марказда 36 турдаги юқори технологик операциялар жорий этилиб, бундай амалиётлар улуши сўнги 3 йил давомида 3 баробарга оширилди, вилоятларда 10 турдаги, туманларда эса 8 турдаги янги амалиётлар йўлга қўйилди. Марказнинг “Фетал тиббий” бўлимида ҳомиладор аёлларнинг нуқсонли ҳомиласи жарроҳлик йўли билан бартараф этилиб, соғлом болалар дунёга келтирилаётгани ҳам қисқа даврда эришилган ютуқларимизга бир мисол бўла олади. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида марказ ва унинг Хоразм ҳамда Андижон филиаллари биринчилардан бўлиб халқро стандартларга мувофиқлик

бўлган турли нуқсон ва хасталикларни ҳомиладорликнинг дастлабки босқичидаёқ аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконини берапти. Бундай илғор диагностика ва муолажа усуллари ҳозир Республика перинатал марказида ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу ерда илк бор ўзбек шифокорлари томонидан кўшни Қирғиз Республикасида туғилган сиам эгизаклари ўта ноёб операция натижасида ажратиб олиниши муҳим тарихий воқеа сифатида эътироф этилган эди. Шу билан бирга, марказда айрим касалликларни гўдақнинг ҳомилалик даврида, яъни она корнидаёқ бартараф этишга имкон берувчи фетал тиббий тажрибасидан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

ТИЗИМИДА ЯНГИ ТУЗИЛМАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Поёнига етаётган 2024 йил соғлиқни сақлаш тизимида янгиликларга бой бўлмоқда. Янги

“Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси ташкил этилди. Унга давлат тиббий сугуртаси тизимини ва давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш, тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат харидлари самараси ва шаффофлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш, санитария қоида ва нормаларини замонавий талаблар асосида янгилаш каби қатор вазифалар юклатилди. Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳузурида Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилди. Муассасанинг болалар онкогематологияси, гематология, онкология, реанимация, гемодиализ ва плазмаферез бўлимлари, стационар ва маслаҳат поликлиникаси замонавий жиҳозланди. Муассасага энг сўнги русумдаги асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Даволаш ва диагностика стандартлари янгиланди. Яна бир муҳим жиҳати, молекуляр генетика, иммуногистохимия каби мураккаб лаборатор текширувлар шу ернинг ўзида йўлга қўйилди. Бинобарин, жорий йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги электрон платформасининг “Вазиятлар маркази” очилди. У орқали соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча ахборот тизимларини ягона мажмуа орқали назорат қилиш механизми йўлга қўйилмоқда. Марказ жойлардаги ахборот тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлайди, унда республикадаги 1700 дан ортиқ тиббий муассасаларининг маълумотлар базасини реал вақт режимида кўриш ва таҳлил қи-

яқиндан кўмаклашаётгани далолатидир. Бу каби ютуқларимиз жаҳон миқёсида ҳам муносиб эътироф этилмоқда. 2024 йилда Болалар миллий тиббий маркази халқро даражадаги JCI сертификатини олди. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббий маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган дермато-

биётнинг бирламчи бўғинидан бошланди. Президентимиз ташаббуси билан ушбу тармоқда 8500 нафар доя ҳамшираси штати жорий этилди. Улар тиббий бригада таркибига киритилиши ҳомиладор аёлларни скрининг текширувларига йўналтириш, тиббий назорат қилиш, соғлом фарзандлар дунёга келиши, чақалоқларни туғурукдан кейин

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

«Давоми. Боши 1 –бетда

лиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш маркази ташкил этилди. Пойтахтимизда амалга оширилган навбатдаги мега лойиҳалардан бири Республика ихтисослаштирилган онкология ва



калар янги тиббий ихтисослик ҳисобига ўз фаолиятларини кенгайтирди. Таъкидлаш лозимки, айни пайтда юртимиздаги барча тиббиёт муассасаларида ташкил этилган ўрин-жойларнинг 35 фоизи хусусий сектор улушига тўғри келмоқда. Яъни сўнгги йилларда нодавлат тиббиёт кли-

казнинг 14 та худудий филиали, 167 та станцияси, 63 та подстанцияси ва 1 436 та таянч пункти ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони 2 853 тага етди. Электрон автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилиши натижасида чақирувни қабул қилиш вақти 6-8 дақиқадан 1-2 дақиқাগача, чақирувни тез тиббий ёрдам бригадасига узатиш вақти Тошкент шаҳрида 10-20 дақиқадан 1-2 дақиқাগача, чақирувга етиб бориш муддати пойтахтимизда 20-30 дақиқадан 10-15 дақиқাগача, худудларда (олис, тоғли ва чўл зоналарни инобатга олган ҳолда) 10-40 дақиқাগача қискарди. Тошкент шаҳри тажрибаси асосида марказнинг худудий филиалларида ягона “Call-марказ”лар фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилда

трансформация жараёнлари давом этмоқда. Президентимиз бу борада соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари олдида тегишли вазифаларни қўйган. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш талаб қилинади. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан туркиялик мутахассислар гуруҳи жалб этилди. Ҳозир хорижийлик экспертлар юртимиз вакиллари билан ҳамкорликда барча бўғиндаги тиббиёт муассасаларида ўрганишлар олиб бормоқда. Туркиялик мутахассислар еттига йўналиш – бирламчи тиббий-санитария ёрдами такомиллаштириш, тиббий

Республикасида бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини чуқур ўрганган ҳолда, уни янада ривожлантириш борасида ўз тавсияларини берапти. Келгусида ана шу таҳлил, таклиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, соғлиқни сақлаш тизимининг босқичма-босқич ислохотига оид қисқа, ўрта ва узоқ муддатли “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши режалаштирилган.

ПОЛИКЛИНИКАЛАРГА
ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ
МАРКАЗЛАШГАН
ЛАБОРАТОРИЯЛАР
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Лаборатория диагностикаси – тиббиётнинг энг муҳим соҳаларидан бири. У ташхис қўйишни осонлаштириб, энг самарали даволаш усулларини танлаш имконини беради. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий лаборатория хизмати самарадорлиги ва сифатини янада ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида касалликларни муолажа қилиш кўрсаткичларини ошириш мақсадида янги тажриба йўлга қўйилмоқда. 2025 йил 1 январдан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига лаборатория хизматлари кўрсатувчи марказлашган лабораториялар ташкил этиш лойиҳаси амалга оширила бошлайди. Бунинг учун тажриба-синов тариқасида 3 та худуд – Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Сирдарё вилоятининг Боёвут тумани ҳамда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманлари танлаб



радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги бирлашган комплекси барпо этилиши бўлди. Бу ерда Европа ва АҚШ стандартлари асосида 17 та янги клиник бўлим, 18 та жарроҳлик хонаси, 42 та реанимация ва интенсив терапия хоналари ташкил этилди. Улар жаҳон тиббиётида қўлланилаётган энг сўнгги техникалар билан жиҳозланди. Бундай замонавий техникаларни ишлатиш учун юзга яқин мутахассис 8 та хорижий давлатда малака ошириб қайтди. Жарроҳлик бўлимида йилига 6 мингта юқори технологик амалиётлар ўтказиш имконияти бор. Янги ускуналар ёрдамида кўз, халқум ва кизилўнгач қисми ўсмаларини кесмасдан олиб ташлаш мумкин. Қовуқ ўсмалари кам инвазив усулда бартараф этилади. Буларнинг самарасида беморлар тезроқ тузалиб, 3-5 кунда уйга қайтиши мумкин. Шу билан бирга, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиали минтақада “нолдан” қурилган биринчи кўп тармокли шифохона бўлди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин

НОДАВЛАТ СЕКТОР

Кейинги саккиз йил давомида тиббиёт йўналишида хусусий сектор улушини ошириш, нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Натижада 2017 йилда хусусий шифохоналар сони қарийб 3,5 мингтани ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 9 мингдан ортди. Тиббиётнинг нодавлат секторида ихтисослик турлари 50 тадан 225 тага ошди. Шунингдек, хусусий шифохоналарнинг тиббиёт ихтисосликлари бўйича лицензия олишига имкон яратилди. 3 700 дан кўпроқ мавжуд нодавлат клини-

никаларида стационар шифо ўринлари сони сезиларли даражада ортиб, 2024 йилда 42 750 га яқинлашди. Шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларининг барчасида амбулатор, 1530 дан ортигида стационар хизматлари ташкил этилиб, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари 726 тадан 2 251 тага ошди. Албатта, бундай ижобий ўзгаришлар туфайли бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида нодавлат тиббиётнинг улуши 30 фоизга етди.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ

Кейинги йилларда “103” хизмати фаолиятини такомиллаштириш, соҳа амалиётига энг сўнгги илмий-техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунда Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Унга мувофиқ, республикамиз бўйича тез тиббий ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилди. Бундай янгиланишлар натижасида мар-

ахборот тизимида “Дорихона” модули ишга туширилди ва ҳозир барча худудларда синовдан ўтказилмоқда. Ушбу модуль орқали барча дори воситаларини қайд қилиш, уларни тарқатиш, ҳисобини юритиш ва тез тиббий ёрдам бригадалари томонидан фойдаланиш жараёнларини мониторинг қилиш имконияти бор. “Автоҳўжалик” модули эса тез тиббий ёрдам автопаркидаги 3 мингдан зиёд автомобиль ҳисобини юритиш, уларни ёқилги билан таъминлаш, эҳтиёт қисмларни ажратиш ҳамда автомашиналар ҳолатини кузатиб боришда катта самара бермоқда. Охириги йилларда тизимда узоқ йиллар фойдаланиб келинган, эскириб қолган ва зарур тиббий жиҳозлар билан таъминланмаган автотранспорт воситалари янгиланиб, соҳага минг донга замонавий “Volkswagen Caddy” русумли автомобиль етказиб берилди ва тизимдаги барча автотранспорт воситалари GPS-трекер билан таъминланди.

ТИББИЁТДА
ТРАНСФОРМАЦИЯ

Ҳозир Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли



суғурта тизимини жорий этиш ва тизимни рақамлаштириш, шифохоналарда тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш, тиббий хизматларни режалаштириш, фармацевтикани ривожлантириш ва дори воситалари таъминоти, тиббий асбоб-ускуналар самарадорлигини ошириш, шошилинч ва тез тиббий ёрдамни ривожлантириш бўйича иш олиб бормоқда. Туркиядан таклиф этилган мутахассислар сони ҳам етти нафар. Ҳар бири тегишли йўналиш бўйича масъул этиб белгиланган. Ҳозиргача чет эллик экспертлар Жиззах, Фарғона, Хоразм, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари ва Қорақалпоғистон

олинди. Ҳозир ушбу 3 та худуд лаборантлари Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат-диагностика марказида бу тажрибани ҳаётга татбиқ этиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Улар етук мутахассислар томонидан махсус дарсларда қатнашиб, янги лаборатория ускуналарида ишлаш кўникмаларини эгалламоқда. Танланган 3 та худуддаги барча поликлиникаларда аҳолидан биоматериалларни қабул қилиш хоналари ташкил этилади. Улар махсус жиҳозланган автотранспорт воситаларида замонавий марказлашган лабораториялар-

Давоми 5 –бетда▶

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

◀ Давоми. Боши 3-4 – бетларда

га етказилади. Ушбу натижалар жаҳон стандартлари асосида илғор усулларда текширилади. Шу тариқа беморга аниқ ташхис қўйиш имкони яратилади ва ортикча сарсонгарчиликка чек қўйилади. Лаборатор таҳлиллар натижаси тиббиёт муассасаларига электрон ахборот тизими орқали жўнатилади ва автоматик равишда беморнинг электрон картасига киритилади. Бемор бирламчи тизимда эмас, бошқа ихтисослашган шифо масканларида даволаниши керак бўлган тақдирда ҳам ушбу база орқали ўз натижаларни олиши кафолатланади. Лойиҳа доирасида марказлашган лабораторияларда худуддаги барча бирламчи бўғин муассасаларига бириктирилган аҳолига йўланма асосида кафолатланган пакет доирасида хизмат кўрсатилади. Харажатлар Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси томонидан қоплаб берилади.

ТИББИЁТНИНГ БИРЛАМЧИ БЎҒИНИ

Бирламчи тиббий-санитария муассасалари- тизимнинг асосий бўғини. Айти пайтда бу бўғинда 1264 та оилавий шифокорлик пункти, 1084 та оилавий поликлиника, 209 та кўп тармоқли марказий поликлиника ва ана шу муассасаларнинг 1957 та филиали фаолият юритмоқда. Поёнига етаётган йилда бу йўналишда касалликлар оқибати билан эмас, кўпроқ сабаблари билан курашиладиган янги механизملарни

лади. Ангорда бу амалиёт ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида қисқа муддатда туман аҳолиси томонидан тез тиббий ёрдамга чакириқлар ва сурункали касалликларга чакириқлар сезиларли камайди. Саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, аҳоли – таянч, паст хавф, ўрта хавф, юқори хавф гуруҳларига бўлинди. Уларни гуруҳ мансублигидан келиб чиққан ҳолда белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтказиш ва саломатлигини даврий кузатиб бориш механизмлари амалиётга татбиқ қилинди. Шу ўринда яна бир муаммоли масала ечими ҳақида тўхталсак. Хўш, бирламчи тиббиёт муассасалари, айниқса, оилавий поликлиникаларда беморларни энг кўп қийнайди-

Тизимни рақамлаштиришда бундай янгиликлар мамлакатимизда давлат тиббий сугуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилишида қўл келмоқда. Бунда Президентимиз томонидан шу йил 5 сентябрда имзоланган тегишли қарорга кўра: 2024 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти ҳамда 2025 йил 1 январдан Қорақалпоғистон Республикасида давлат тиббий сугуртаси механизмлари амалиётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, "Электрон поликлиника" ва "Электрон шифохона" ахборот тизимлари жорий қилинмоқда. Тиббиёт ходимлари улардан фойдаланиш йўналиши бўйича ўқитилиб, муассасалар зарур техника ва тар-

Ҳиндистон, Покистон, Туркманистон, Қозоғистон каби 20 дан зиёд давлатлардан келиб билим олаётган 5,7 минг нафарга яқин ёшлар ҳам бор. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ тиббиёт коллежлари негизда ташкил

институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти ва Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг бакалаврият, магистратура, клиник ординатура мутахассисликлари халқаро аккредитациядан ўт-



казилди ва махсус сертификатни қўлга киритди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг 8 та тиббиёт олий ўқув юрти дунёнинг ТОП-1000лик рейтингига кириш учун халқаро "reporter" мақомига эга бўлди. Ўз навбатида, Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетида мазкур ўқув юртининг Тошкентдаги филиали учун 30 нафар ўзбекистонлик клиник ординатор тайёрланапти. Республика ихтисослаштирган илмий-амалий тиббиёт марказларидан 8 таси халқаро аккредитациядан ўтказилди. 2024 йилда 520 нафар маҳаллий мутахассис 37 та хорижий давлатнинг етакчи тиббиёт ва таълим муассасаларида малака оширди. Бунда малака ошириш жараёнига 168 нафар етакчи хорижий мутахассислар жалб этилди. Мамлакатимизда клиник ординатура мутахассисликлари бўйича кириш имтиҳонлари бир босқичли тест синовлари ва шаффоф тизим асосида ўтказилиши йўлга қўйилгани ҳам жорий йилдаги муҳим янгиликлардан бири бўлди. Ўз навбатида, кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида иш ҳақи тўланадиган интернатура ташкил этилиши белгиланди. Олий таълим муассасаларининг 200 нафар битирувчиси магистратура ва клиник ординатура дастурлари асосида етакчи хорижий университетларда ўқиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, Ўзбекистонда илк бор юқори салоҳиятга эга хусусий шифохоналарга клиник ординаторларни тайёрлаш учун рухсат берилди. Буларнинг барчаси тиббиёт соҳасини янги босқичга кўтаришга қаратилган изчил ислохотлар самарасидир.

Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
Матбуот хизмати



жорий этишга киришилди. Давлатимиз раҳбари топшириғига кўра, аҳолининг эҳтиёжманд қатламига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишни маҳаллабай, манзилли ва мақсадли таъминлаш бўйича "Сурхондарё тажрибаси" йўлга қўйилапти. Намунавий худуд сифатида танланган Ангор туманида тиббиёт бригадалари фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда. Таҳлилларга кўра, агар бирламчи бўғинда тиббий бригадалар самарали фаолият кўрсатса, ихтисослашган тиббиёт марказлари ҳамда стационарларга мурожаатлар сони кескин камайишига эриши-

ган масала нима? Шифокор қабулига узундан узоқ навбат кутиш, албатта. Бу ҳолат, айниқса, ёш болали аёллар, ҳомиладорлар ва оғир беморларга қийинчилик туғдириши бор гап. Бу муаммога оқилона ечим топиш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этишга киришилган. Хусусан, Президентимизнинг тегишли қарорларига асосан бирламчи бўғинда "Электрон поликлиника" ахборот тизимининг босқичма-босқич йўлга қўйилиши соҳа ходимлари ва беморлар учун айти муддао бўлмоқда.

моқ қурилмалари билан жиҳозланапти. Президентимиз қўйган талаб ва вазифалар аниқ. Бунга қадамба-қадам эришиляпти. Тиббиёт халққа яқинлашмоқда. Касалликлар эса одамлардан узоқлашмоқда...

ТИББИЙ ТАЪЛИМ

Сўнгги йилларда юртимизда тиббиёт йўналишида илғор таълим стандартлари асосида юқори билимга эга мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир мамлакатимиздаги 12 та давлат тиббиёт олий таълим муассасасида соҳа учун мутахассислар тайёрланапти. Шунингдек, Россия, Корея, Германия, Беларусь, Туркия, Украина, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша давлатларининг 25 та университети билан бакалаврият йўналиши, магистратура ва клиник ординатура мутахассислиги бўйича халқаро кўшма таълим дастурларига мувофиқ 1,5 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртларимиз талабалари орасида Россия, АҚШ,

этилган 72 та Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида 7 та йўналиш бўйича ўрта тиббиёт ходимлари тайёрланапти. Ўз навбатида, Чилонзор Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми негизда Ҳамширалар академияси ташкил этилди. Мазкур муассаса қошида Туркиянинг соғлиқ билимлари университети факультети ҳам очилди. Президентимизнинг 2023 йил 20 июндаги тегишли қарорига мувофиқ, тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг билимларини (асосий, клиник ва амалий кўникмаларини) икки босқичли баҳолаш ва уларнинг малакасини тасдиқлашнинг миллий тизими шакллантирилди. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш учун узлуксиз касбий таълим портали жорий этилди. Мухими, ана шу соҳадаги ютуқларимиз халқаро миқёсда ҳам тан олинапти, эътироф этилмоқда. Чунончи, Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт

УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЪЛИМ

РАЎБАР ХОДИМЛАРНИ ЎҚИТИШ, МАЛАКАСИНИ

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида» 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ҳамда 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158 сонли ««Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида» Фармонлари билан соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигини ошириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган.



Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда миллий соғлиқни сақлаш тизимини режалаштирилган трансформациясини, яъни мазкур йўналишларга оид миқдорий ўзгаришларни сифатий натижаларга ўтишини таъминловчи иккита негизий, стратегик аҳамиятга эга йўналиш алоҳида ўрин тутлади.

Булар:

– соғлиқни сақлаш ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қи-

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида



ларининг дипломдан кейинги таълимини мувофиқлаштириш вазифаси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедрасига юклатилган.

Кафедранинг ушбу йўналишдаги фаолияти:

– соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари, Республика тиббиёт муассасалари билан икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш;

– соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ва режалаштирилган ислохотлар моҳияти, босқичлари ва башорат қилинган натижаларини инobatга олган ҳолда соғлиқни сақлаш тизими учун раҳбар ходимларни тайёрлаш, малакасини оширишнинг ҳамда раҳбар ходимларнинг стратегик захирасини шакллантиришнинг мақсадли, табақалаштирилган турлари ва кўринишларини, ўқув жараёнини ташкиллаштириш механизларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Фаррух Шарипов раислигидаги ишчи гуруҳ таркибига вазирликнинг Фан-таълим ва инновациялар, Стратегик режалаштириш, статистика ва самарадорликни баҳолаш бошқармалари ҳамда Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими ходимлари, Тиббиёт хо-

димларининг касбий малакасини ривожлантириш марказини «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедраси масъул ходимлари киритилган.

Ишчи гуруҳ фаолиятининг асосий йўналишларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш киради. Ишчи гуруҳнинг фаолияти доимий тартибда, штаб кўринишида, тасдиқланган даврий иш режа асосида олиб борилиши йўлга қўйилган. Ишчи гуруҳ даврий тартибда штаб кўринишидаги йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар бўйича қабул қилган қарорлари асосида куйидаги янги механизмлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди:

1) соғлиқни сақлашни бошқарувчилар даражаси асосидаги табақалаштирилган узлуксиз касбий таълими алгоритми;

2) соғлиқни сақлаш тизими учун раҳбар ходимларнинг захирасини шакллантириш алгоритми;

3) соғлиқни сақлаш бошқарув органи, даволаш–профилактика муассасаси раҳбарларини фавқулодда вазиятлар шароитидаги фаолиятига доир узлуксиз касбий таълим алгоритми;

4) соғлиқни сақлаш тизими бошқарувчилари, тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг мустақил таълим олишлари учун «Соғлиқни сақлаш бошқарувчиларининг Online Maktabi» платформаси;

ри шарҳи» масофавий мавзуй малака ошириш цикли ва уни жорий этиш алгоритми;

6) янги кўринишдаги «Бошқарувчилар мактаби» мавзуй малака ошириш циклида:

– ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари раҳбар ходимлари учун Тошкентда – кафедра негизида ўтказилган машғулотларда 138 нафар (режага нисбатан 83,6 фоиз);

– биринчи бор ҳудудий даволаш–профилактика муассасаларининг раҳбар ходимлари учун сайёр тартибда олти ҳудудга жамланган гуруҳларда ўтказилган машғулотларда 491 нафар (режага нисбатан 83,7фоиз) раҳбар ходимлар таълим олди;

7) 2024 йилнинг 16–17 апрель кунлари «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедрасида олий тиббий таълим муассасаларининг дипломдан кейинги таълим факультетларини соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқини сақлашга ихтисослаштирилган кафедралари раҳбарлари иштирокида мувофиқлаштириш кенгаши ўтказилди. Кенгаш натижалари бўйича: а) раҳбар ходимларни дипломдан кейинги таълими жараёнини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритилди; б) биринчи бор олий тиббий таълим муассасаларининг соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиқини сақлашга ихтисослаштирилган кафедралари ходимлари учун 2024 йилнинг май–июнь ойларида ўтказилган иккита 36 кредитли мавзуй малака ошириш циклида 22 нафар мутахассис таълим олди;

8) Биринчи бор раҳбарлик лавозимига биринчи бор тайинланган мутахассислар учун 80 кредитли «Тиббиёт муассасасини бошқариш асослари» махсус мавзуй малака ошириш цикли жорий этилди. Тасдиқланган тартибга биноан тайинлов ойдан кейинги ойда



лиш, самарали бошқариш мақсадида соҳа учун раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш ҳисобига уларнинг салоҳиятини мунтазам равишда ривожлантириш;

– тиббиёт соҳасида раҳбар ходимлар билан ишлаш, уларнинг касбий малакасини янада такомиллаштириш ҳамда жорий ва стратегик захирасини шакллантириш.

Мамлакат соғлиқни сақлаш тизимининг таркибий тузилмаси, ислохотлар босқичлари ва моҳиятига асосланган ҳамда ривожланган, юқори самарали соғлиқни сақлаш тизимига эга мамлакатлар тажрибасини ҳамда «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедрасида ўтказилаётган тадқиқотлар ишланмаларини инobatга олган ҳолда мазкур йўналишда илк бор Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 17 ноябрдаги 291-сонли «Ўзбекистон

профессионал бошқарувчиларининг стратегик захираси, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш самарадорлигини тубдан яхшилаш тўғрисида» буйруғи қабул қилинди.

Мазкур буйруқ билан:

1.Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш концепцияси;

2. «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш» ишчи гуруҳи таркиби ва уни фаолият кўрсатиш тартиби тасдиқланди.

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш концепцияси» билан бошқарув ходим-

УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ ТАЪЛИМ

ОШИРИШ ВА ЗАҲИРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ



биринчи бор раҳбарлик лавозимида тайинланган мутахассислар мазкур циклда таълим олишлари белгиланган. Тасдиқланган режа-жадвалга биноан 2024 йил давомида ўтказилган 10 та циклда 51 нафар (режага нисбатан 17,0 фоиз) мутахассислар таълим олди;

9) биринчи бор даволаш-профилактика муассасаларининг ходимлар билан ишлашга масъуллари учун 36 кредитли “Тиббиёт муассасаларида ташкилий-кадрлар ва инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати асослари” мавзуй малака ошириш цикли жорий этилди. Тасдиқланган режа-жадвалга биноан 2024 йил давомида 7 та ҳудуд учун сайёр тартибда ўтказилган циклларда 343 нафар (режага нисбатан 117,3 фоиз) мутахассислар таълим олди. Ўзга ҳудудлар учун цикллар 2025 йилнинг январь-июнь ойлари давомида ўтказилади;

10) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг раҳбар ходимлар стратегик захирасини шакллантириш дастури доирасида:

– 2024 йилнинг февраль-июнь ойларида республиканинг 12 ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари раҳбарлари томонидан тавсия этилган 456 нафар номзодлардан ўтказилган бирламчи саралаш натижасида 325 нафари (71,2 фоиз) дастурда иштирок этиш учун ажратиб олинди;

– бирламчи саралаш билан бир даврда ўтказилган 2019–2023 йилларда дастур бўйича 306 кредитлик ихтисослаштириш циклида таълимни муваффақиятли якунлаган ва “Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш” ихтисослигини олган мутахассисларнинг лавозим траекторияси мониторинги ҳам ўтказилди;

– биринчи бор ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари таклифлари асосида ўқув гуруҳлари-



ни маълум бир ҳудудларнинг бирламчи саралашдан ўтган мутахассислари асосида шакллантириш жорий этилди. Бунда саккиз ўқув ҳафтаси машгулотларининг тўрт ҳафтаси кундузги тартибда, шундан икки ўқув ҳафтаси соғлиқни сақлаш вазирлигида, уч ўқув ҳафтаси масофавий тартибда, якуний ўқув ҳафтаси сайёр тартибда ўтказиш механизми жорий этилди. Жумладан, 2024 йил апрель-июнь ойларида ўтказилган 2 та циклда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг 47 нафар вакиллари; сентябрь-октябрь ойларида ўтказилган циклда Самарқанд вилоятининг 16 нафар вакиллари таълим олдилар. Белгиланган тартибда битирувчиларни лавозим траекторияси мониторинги ўтказилади;

11) раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касбий таълимни ташкиллаштириш жараёнига илғор халқаро тажрибани жорий этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети ўртасида 2023 йил 6 декабрда ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Томонларнинг доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳининг фаолияти натижалари:

– биринчи бор 306 кредитлик «Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш»



ихтисослаштириш интеграцион курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва рўйхатга олинди. 2024/2025 ўқув йили давомида ўтказиладиган 4 та циклда 120 нафар мутахассисни ўқитиш режалаштирилди. 2024 йил октябрь-ноябрь даврида ўтказилган биринчи циклда 30 нафар тингловчи таълим олди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ-311 сонли “Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарори ижросини таъминлаш доирасида биринчи бор 72 кредитлик “Тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ва бухгалтерия ҳисоби трансформацияси” интеграцион мавзуй малака ошириш курсининг ўқув дастури ишлаб чиқилди. 2024 йилнинг ноябрь-декабрь даврида ўтказилган биринчи циклда 30 нафар соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлат тиббий сугурта жамғармаси

ходимлари, Тошкент шаҳар ва Сирдарё вилоятининг ҳудудий соғлиқни сақлашни бошқарув органлари ҳамда тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари таълим олди.

Тасдиқланган режа-жадвалга биноан 2025 йилнинг январь-июнь даврида қолган ҳудудларнинг раҳбар ходимлари таълим олишлари белгиланган.

“Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълимни ташкиллаштириш” ишчи гуруҳининг 2025 йилга режалари:

– даврий тартибда соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълимни режалаштириш, таҳлил қилиш ва ташкиллаштиришни таъминлаш;

– Соғлиқни сақлаш вазири тасдиқлаган календарь режа, вазирлиқнинг меъёрий ҳужжатлари билан тасдиқланган режа-жадваллар ижросини таъминлаш мақсадида ижро мониторинги тизимини жорий этиш;

– Соғлиқни сақлаш вазири-

ликдаги 306 кредитли интеграцион мавзуй малака ошириш цикллари режа-жадвал бўйича ўтказиш, тайёргарликни муваффақиятли якунлаганларни раҳбар ходимлар стратегик захирасига олиш механизминини ва битирувчиларнинг лавозим траекторияси мониторинги механизминини тўла жорий этиш;

– “Бошқарувчилар мактаби-2025” махсус интеграцион мавзуй малака ошириш циклини ўтказиш;

– Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш тизими, даволаш-профилактика муассасалари раҳбар ходимлари учун “Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш бўйича халқаро тажриба” мавзусида Вестминстер университети (Лондон, Буюк Британия) негизда мавзуй малака ошириш цикли ташкиллаштириш;

– Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2025 йил режасига биноан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва халқаро ҳамкорлар иштирокида 2025 йилнинг октябрь ойида «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида профессионал раҳбарларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз касбий таълим трансформацияси» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мазкур ишчи гуруҳини давлат ҳокимияти олий органларининг мамлакат соғлиқни сақлаш тизими самардорлигини сифатий даражасини ўзгартириш бўйича долзарб вазифалар ижросини таъминлашга доир фаолияти соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлиғини сақлаш соҳасида раҳбар ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш ва захирасини шакллантириш тизимларини тубдан такомиллаштириш йўлидаги аҳамиятли ҳамда натижадор жараёнлардан биридир.

Фаррух ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари.

Дамин АСАДОВ,
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедраси профессори, ишчи гуруҳ аъзоси.

Хусан АСАДОВ,
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедраси мудири, ишчи гуруҳ аъзоси.

Валихон ҲАКИМОВ,
Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази «Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш» кафедраси доценти, ишчи гуруҳ аъзоси.



ОНКОЛОГИЯ СОҲАСИГА ЭЪТИБОР

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг янги биноси



Мирзағолиб ТИЛЯШАЙХОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош онколог, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Сўнги олти йил давомида онкология соҳасига оид Давлатимиз раҳбари томонидан бешта қарор ва Вазирлар Маҳкамасининг учта меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Албатта, бу меъёрий ҳужжатлар бежизга қабул қилинмади. Уларнинг замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги мужассам эканлигини кўрамиз. Шундай экан, ислохотлар натижасида республикамизнинг барча 16 та онкологик муассасалари тўла таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 5 та нур терапия ускунаси ўрнига айна пайтда мамлакатимиздаги онкология муассасаларида 27 та нур терапия ускуналари мавжуд. Маълумки, нур терапиялари бўйича олдинлари олти ойлаб навбат кутилган, ундан ташқари хорижий давлатларга бориб, даволанишга тўғри келган. Ҳозирда эса, барча беморлар юртимизнинг онкология муассасаларида нур терапияни навбатсиз олишмоқда. Таъкидлаш муҳимки, онкологик касалликни даволашда энг муҳим восита – бу кимё препаратлари ҳисобланади. Олти йил олдин ўсмага қарши дориларга 1,2 миллион АҚШ доллари ажратилган бўлса, ҳозирда деярли 11 баробар кўп, яъни 13,5 миллион АҚШ доллари ажратилмоқда. Кимё дорилари таъминоти 12-15 фоиздан 95-97 фоизгача яхшиланди. Бундан бир неча йиллар олдин фуқароларимизни чет давлатларга чиқиб кетишларига 2 омил, биринчиси Позитрон-эмиссион томография (ПЭТ) иккинчиси эса Иммуногистохимия (ИГХ)

текширувлари сабаб бўлган. Улар тиббиёт муассасаларимизда мавжуд бўлмаган. Муҳими, айна кунда давлат-хусусий шерикчилик асосида юртимиздаги барча онкологик беморларга зарур бўлган ПЭТ текширувлари давлат маблағлари ҳисобидан мутлақо бепул, навбатсиз амалга оширилмоқда. ИГХ лабораториялари эса барча филиалларимизда янгидан ташкил этилиб, энг замонавий ускуналар ва 60 хилдан ортик реактивлар билан таъминланди. Мазкур текширув ҳам давлат маблағлари ҳисобидан бепул ўтказилмоқда. Хулоса



қилиб айтганда, халқимизнинг чет давлатларга чиқишлари учун эҳтиёж қолмади.

Халқаро алоқаларни яхшилаш мақсадида 22 та ривожланган хорижий давлатлар билан меморандумлар имзоланиб, 250 дан ортик мутахассисларимиз чет эл клиникаларида 1 ойдан 6 ойгача давлат маблағлари ҳисобидан малака ошириб қайтишди. Мутахассисларимиз республикамизнинг барча



ҳудудларида ихтисослаштирилган онкология хизматини яхшилаш мақсадида чекка ҳудудларда хизмат сафарига бўлиб, маҳаллий шифокорларга услубий ёрдам кўрсатиш билан бирга 50 000 дан ортик фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Бунинг баробарида улар 2000 дан ортик маҳорат дарслари ва 1 300 та семинарларни олиб боришди. Шу билан бирга 800 тага яқин жарроҳлик

Мустақил Ватанимиз йилдан-йилга чирой очиб бораётганлиги, ривожланаётганлиги ва халқчил сиёсат олиб борилаётганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳар соҳаларда бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар, ислохотлар ва янгиланишларни гувоҳи бўлиб турибмиз. Айниқса, тиббиётнинг ижтимоий соҳаси бўлган онкология соҳасига Давлатимиз раҳбари томонидан катта эътибор бўлаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас.



амалиётларини бажаришди. Шу ўринда айтишим лозимки, 250 га яқин замонавий текшириш ва даволаш усуллари вилоят ва туман шифохоналари амалиётига тадбиқ этилди, 500 дан ортик мутахассислар мала-

қурилмоқда. Айтишим лозимки, яқинда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан барча вилоятларда хоспислар қуриладиган бўлди.

Юртбошимиз 2021 йилда марказимизга ташриф буюрдилар. Муассасанинг шароитлари билан яқиндан танишиб, марказ биносини тубдан янгилаш, дунёнинг сўнги талаблари асосида янги онкология маркази барпо этиш таклифини бердилар. Икки йил давомида олиб борилган қурилиш ишлари яқунлашиб, янги марказ бунёд этилди. Жорий йилда Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан 650 та стационар ва 100 ўринли амбулатор хизматига мўлжалланган замонавий онкология маркази биноси фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш муҳимки, марказимизнинг ушбу янги биноси Марказий Осиёда ягона, энг замонавий услубдаги, мукамал жиҳозланган, барча шароитларга эга муассаса ҳисобланади. Ислон Тараққиёт банки кредити II фазаси 80 миллион АҚШ доллари ҳисобидан янги марказимиз ва юртимиз онкология муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш учун энг замонавий ускуналар харид қилинмоқда. Булардан, 3 та чизиқли тезлаткич, 5 та брахитерапевтик ускуна, 12 та рентген-терапевтик ускуна, 7 та МРТ, 6 та МСКТ, 3 та ангиографик тизим, 17 та стационар рақамли рентген ускуна, 21 та С-дуга мобил рентген, 1 та ПЭТ/КТ марказ қуриш ва бошқалар.

Янги марказимизда 17 та янги клиник бўлимлар, 16 та жарроҳлик хоналари, консол функционал ўринларга эга реанимация ва интенсив терапия заллари мавжуд, шу билан бирга нур терапия ва радиактив моддалар билан текшириш ва даволашга ихтисослашган 9 та бункердан иборат ядро тиббиёти маркази ташкил эти-



ОНКОЛОГИЯ СОҲАСИГА ЭЪТИБОР

ЖИҲОЗЛАНГАН ЙИРИК МАРКАЗ

Марказий Осиёда онкологик касалликларни диагностика қилиш ва даволаш бўйича ягона тиббиёт масканидир.

лиши режалаштирилган. Шунингдек, позитрон эмиссион томография (ПЭТ/КТ), иммуногистохимия (ИГХ), ангиография каби ускуналар ўрнатилди. Бундан ташқари юқори технологияларни қўллаб, суяк кўмиги ва аъзолар трансплантацияси каби онкологик касалликларни даволашда энг янги даво усуллари ҳам тadbик қилинади. Бинонинг кириш қисмида беморларни рўйхатга олиш, уларга маслаҳат бериш, овқатланиш шахобчаси, ташриф буюрганлар учун кутиш ва хордик чиқариш жойлари ташкил қилинган. Марказимизда Тошкент шаҳрида тарқок фаолият юритаётган олий ва ўрта тиббий таълимда-

бўлган касалликлар бўйича даволанишлари учун пуллик хизмат ҳам йўлга қўйилди.

Марказимиз Марказий Осиёда энг йирик ҳамда замонавий технологиялар билан жиҳозланганлиги боис, онкологик касалликларни диагностика қилиш ва даволаш бўйича тиббий туризмни ривожлантириш имконияти катта. Бунинг учун марказда чет элдан, шу жумладан, Марказий Осиё ҳамда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларидан беморларни текшириш ва даволаш учун жалб қилиш бўйича тиббий туризм бўлими ташкил этилди. Республикамиз бўйича биринчи марта марказимизда 70 ўринли амбулатор кимётерапия бўлими очилди. Бўлим Европа



ли вертикал бошқарув тизими яратилган. Марказ филиаллар билан электрон ахборот тизими орқали ягона платформа уланади ва республикада “канцер-регистр” тизими ишга туширилади. Бунинг натижасида назоратда турган барча онкологик беморларнинг реал вақт режимидаги ахборотлар базаси шакллантирилади.

Албатта, ўрни келган-

ги онкология йўналиши бўйича 5 та кафедраларини бирлаштириш кўзда тутилган. Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент стоматология институти ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг жами 4 та онкология кафедралари ягона базага бирлашади ва янги “Ядро тиббиёти” кафедраси очилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, онкологик касалликларни даволашда шифокор ва ҳамшираларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш ва ошириши мақсадида ўрта тиббий ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш марказининг онкология кафедралари ҳам ушбу марказда бўлади. Шифокор ва ҳамшираларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ишлари интеграцияланиб ўқиш жараёнлари ягона базада амалга оширилади. Онкологик касалликлар билан оғриган барча фуқароларимизга марказда текширув, даволаш ва реабилитация давлат суғуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан бепул амалга оширилади. Шу билан бирга фуқаролар онкологик касалликларни истисно қилиш мақсадида ўзларини мустақил текширувдан ўтказишлари, туман ва вилоят даражасида даволаниши лозим



ва АҚШнинг етакчи хорижий марказлари стандартлари асосида ташкил этилган ва жиҳозланган. Бўлимда кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг 80 фоизи амбулатор даволанадиган беморларга, 20 фоизи эса стационар ётиб даволанаётган беморларга тўғри келади. Бемор 3 соат давомида махсус дастурий таъминот ўрнатилган функционал ўриндиклар (кресло)да кимё терапия муолажасини олади ва ўша кун оиласига қайтади. Муолажа давомида бемор планшетда телекўрсатувларни томоша қилиши ёки яқинлари билан мулоқот қилиши мумкин. Бу беморларга психо-эмоционал қулайликни таъминлаш имконини беради. Амбулатор кимё терапияни жорий этиш орқали даволаш

харажатларини 30 фоизга камайтириш орқали йилига жуда катта бюджет маблағларини тежаш мумкин. Бўлим негизда мутахассисларни тайёрлаш бўйича ўқув курси ташкил этилган бўлиб, ушбу усулни мамлакатимизнинг барча онкологик муассасаларида жорий этиш режалаштирилган. Янги марказимизнинг иш фаолияти, бепул текшириш ва даволаш усуллари, мутахассисларнинг ёрдам кўрсатиш салоҳияти, пуллик хизмат кўрсатиш преискуранти, мутахассисларга онлайн ёзилиш, шунингдек, онкологик касалликларнинг белгилари, уларни текшириш, даволаш бўйича кўрсатма ҳамда маълумотлар олиш

имконияти бўлган 1303 қисқа рақам орқали “Call-марказ” ташкил қилинади. “Call-марказ” сутка давомида узлуксиз фаолият олиб бориб, юртимиз ва хорижий фуқароларнинг онкологик касалликлар бўйича барча саволларига жавоб берадиган ва шу орқали онкология тизимини ҳамда янги марказни аҳолига таништирадиган энг муҳим ахборот нуқтасига айланади. Республикада 16 та ҳудудий онкология муассасаси бўлиб, барча туман тиббиёт бирлашмаларида 223 та онколог хоналари фаолият юритади. Аҳоли туман ва вилоят даражасида онкология хизмати билан тўлиқ қамраб олинishi натижасида самара-

да шуни таъкидлаш кераки, халқимизни рози қилиш, халқимизга етакчи мамлакатлар даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббиётни чекка ҳудудларгача олиб бориш – барча тиббиёт ходимларининг, шу жумладан, юртимиз онкологларининг пировард мақсадидир. Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра уни олдини олиш афзаллиги олимлар томонидан кўп бор таъкидланган. Айниқса бу нарса онкологик касалликлар тўғрисида гап кетганда – жуда ҳам муҳимдир. Юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар, тиббиётимизга юксак эътибор ва яратилаётган шароитлар ушбу мақсадларни амалга ошириш йўлида муҳим қадамлардир.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ АМАЛДА

САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ЎЗБЕКИСТОН

Ҳозирги кунда олий тиббий таълимни янада ривожлантириши мақсадида олий тиббий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини жаҳон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқиши, хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ва илмий изланишларни йўлга қўйиши, хорижий мутахассисларни жалб этиши ва миллий кадрларни халқаро тажриба билан таништириши, талабаларнинг амалий билимларини кучайтириши учун симуляцион марказлар ва клиник базаларни ташкил қилиши ва тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ечимларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда амалга оширилмоқда.



ташкил этилди. Ҳозирги пайтда Қўшма таълим факультетида 302 нафар талаба 6 та давлат



Азиза МАҲМУДОВА,
Самарқанд давлат тиббиёт университети Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси мудири, университет бош мураббийси, профессор.



билан қўшма таълим дастурлари бўйича таҳсил олишяпти. Россия Федерацияси ҳамкорлигида Приволжск тадқиқот тиббиёт университети билан педиатрия, даволаш ва стоматология, Алтай давлат тиббиёт университети билан стоматология, Разумовский номидаги Саратов давлат

университети билан халқ таълим ва таълим, АҚШ, Вебстер университети билан олий ҳамширалик иши йўналишлари бўйича талабалар ўқиб келмоқда. 2025-2026 ўқув йилдан бошлаб Туркиянинг Sog'liq Bilimlari Universiteti билан қўшма таълим дастурлари асосида янги йўналишларини очилиши режалаштирилмоқда. Халқаро ҳамкорлик натижасида 2024 йилда университетда янги фундаментал тиббиёт ва биотехнология, биотиббиёт муҳандислиги йўналишлари бўйича малакавий кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ўрта махсус профессионал таълим босқичида малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, олий ва профессионал таълим муассасаларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан, 24 нафар тиббиёт техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни университетимизнинг бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-188-сон Қарори асосида университет битирувчи босқич талабалари учун поликлиникалар ва клиник базаларда 6 ойлик малакавий амалиёт кўринишидаги субординатура жорий қилинди ва университет

таркибида: реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, кўп тармоқли клиникаси ва ихтисослашган болалар хирургик клиникаси, микробиология, вирусология, юкулли ва паразитар касалликлар илмий-текшириш институти ва унинг клиникаси, нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ва иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий марказини фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги «Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам Республикамиз тиббиётининг ривожланиши учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Республикамиз учун кўп миң сонли тиббиёт кадрлар тайёрлаб бераётган Самарқанд давлат тиббиёт университетининг тажрибали мутахассислари ва етуқ профессор-ўқитувчилари томонидан ҳам худудларда бир қатор амалий ишлар ҳаётга тадбиқ этилиб келинмоқда. Жумладан, «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сонли ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда университет ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, Самарқанд вилояти оилавий поликлиникаларига би-

Тиббиёт тизимига малакали кадрларни тайёрлаш учун Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жорий ўқув йилида университетда 14 000 зиёд талабалар таҳсил олмоқда, шу ўқув йилнинг ўзида бакалаврга 1916 нафар талаба, магистратурага 203 нафар, клиник ординатурага 530 нафар врач 1 курсга ўқишга қабул қилинди. Алоҳида эътибор бериш керак-ки университетимизда 10 факультетда даволаш, педиатрия, стоматология, тиббий биология, тиббий профилактика, фармация, халқ таълобати, олий ҳамширалик иши, соғлиқни сақлаш менежменти, тиббий педагогика, косметология йўналишлар бўйича талабалар ўқиб келмоқда. Магистратура резидентлари 37 та йўналиш бўйича ва клиник ординаторлар 53 та йўналишлар бўйича дипломдан кейин ўқишларини давом эттиришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони ҳамда «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошққа-



рувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг ўзаро келишув бўйича қўшма таълим дастурлари асосида талабаларни ўқитишни ташкил этиш мақсадида, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорининг 2023 йил 25 майдаги № 249 АФ сонли буйруғи бўйича 2023 йил 1 июнидан бошлаб, университет ичида «Қўшма таълим дастурлари фаолиятини ташкил этиш бўлими» негизини «Қўшма таълим» факультети

тиббиёт университети билан фармация, Ульянов номидаги Чуваш давлат университети билан клиник психология, Польша Республикаси ҳамкорлигида Лоренс университети қошидаги олий бизнес мактаби менежмент, соғлиқни сақлаш менежменти, Слупсдаги Поморск университети косметология, Беларуссия Республикаси ҳамкорлигида Витебск Давлат халқлар дўстлиги ордени тиббиёт университети билан клиник ординатура дастури бўйича кардиохирургия, кардиология, акушер-гинекология, стоматология, оториноларингология, Хитой Республикаси ҳамкорлигида Шинжон тиббиёт

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ АМАЛДА

ТИББИЁТИНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

риктирилди. Мавжуд 15 та туман ва 11 та шаҳар оилавий поликлиникаларининг тиббий харитаси ишлаб чиқилди. Аҳоли хавф гуруҳларга ажратилиши ҳамда диспансер назоратига олиниши, қишлоқ ва маҳаллаларда эса тиббиёт бригадалари ташкил этилишини аниқ чора-тадбирлари белгиланди. Юқоридаги Фармон билан клиник ординатурага доир қисмида, янги ўқув йилидан ўқув даврининг иккинчи йилини ҳудудлардаги ихтисослашган тиббиёт марказлари филиалларида, вилоят болалар ва катталар кўп тармоқли тиббиёт марказларида, Республика шошилич тез тиббий ёрдам маркази филиалларида ўтказилиши, шунингдек, маълум бир қисмини иш жойида давом эттирилиши белгиланган. Университет томонидан уч йилдан буён барча юқори курс клиник ординаторлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги турли тиббиёт муассасаларига жалб қилиниб, бевосита амалиёт билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратилиб берилмоқда. Университетнинг бир қатор клиник кафедралари, жумладан, онкология, кардиология, эндокринология, хирургия, болалар хирургияси, юз-жағ хирургияси, педиатрия, юқумли касалликлар ва тери-таносил касалликлари кафедралари Самарқанд вилоятини ихтисослашган тиббий марказларида жойлашган бўлиб, мазкур муассасалар ўқув жараёнига методик жиҳатдан кўмаклашиб келмоқдалар. Вилоятимиз ҳудудларида турли касалликлар кўрсаткичларини инобатга олиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳам-

ган. Бундан ташқари, вилоятимиз ҳудудида жойлашган Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида клиник базаларини ташкил этиш мақсадида Самарқанд, Сиеб, Ургут, Пастдарғом, Иштихон, Каттақурғон, Пахтачи Абу Али Ибн Сино номидаги техникумлари ва академик лицейга Самарқанд давлат тиббиёт университети-нинг 47 та клиник кафедралари бириктирилди ва натижада жамоат саломатлиги техникум ва лицейда талабаларнинг ўқув амалиётини ўтиши йўлга қўйилган.

Университетда илмий излашнишларга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Самарқанд давлат тиббиёт университетидаги фан доктори ва фалсафа доктори даражаларини олиш мақсадида 2020 йилда 22 та, 2021 йили 46 та, 2022 йили 77 та, 2024 йилда эса 90 та диссертациялар ҳимоя қилинди. Ҳозирги кунда университетда PhD ва DSc диссертацияларни ҳимоя қилиш учун 4 та Илмий Кенгаш фаолияти йўлга қўйилган. Университетнинг етакчи профессорлари раҳбарлигида Корея, Франция, Козогистон, Покистон ва Хиндистонлик изланувчилар PhD ва

ойида “Самарқанд-2020” халқаро олимпиада ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 13-14 декабрь кунлари ўтказилган 5-чи Халқаро олимпиадада Корея, Япония, Россия, Польша, Украина, Беларуссия, Италия, Малайзия, Туркия, Тожикистон, Козогистон, Покистон, Индия, Қирғизистон ва Ўзбекистон 101 олий таълим муассасадан 47 жамоа, 4600 дан ортиқ талабалар онлайн ва офлайн тарзда 41та йўналиш бўйича катнашдилар. 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” Самарқанд давлат тиббиёт университети учун ажойиб ва қизиқарли воқеаларга бой ҳамда бир-биридан қолишмайдиган кў-



“*Расомлик ва тасвирий санъат*”, “*Созандалик*”, “*Замонавий рақс*”, “*Нотиқлик ва бошловчилик санъати*”, “*Қитобхонлик*”) ҳаваскорлик тўғрисида 2 000 нафарга яқин талабалар фаол катнашиб келмоқда. Мазкур бадий ҳаваскорлик тўғрисида ижод қилаётган талабалар университет томонидан ўтказилган халқаро ва республика миқёсидаги анжуман, конференция, фестиваль ва олимпиадаларнинг маданий қисмида шунингдек, давлат тадбирларида ўзларининг ижодий чиқишлари билан фаол иштирок этмоқдалар. Бундан ташқари университетнинг Спорт клуби қошидаги 7 та спорт (*мини футбол, бадминтон, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, кураш*) тўғрисида 4 минг нафардан ортиқ талабалар фаол катнашиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 ноябрь кунини қабул қилинган “Самарқанд вилоятида инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-407-сон қароридан ҳам Самарқанд давлат тиббиёт университетига доир бир қатор янги имкониятлар ўз аксини топди. Жумладан, 2025 йил 1 январга қадар, Самарқанд шаҳри тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-, 3- ва 8-сонли оилавий поликлиникалар ҳамда Қўшработ туманидаги Жўш оилавий поликлиникаси, Оқчобсой, Урганжи, Чинмос, Тоз ва Жонбулоқ оилавий шифокор пунктларини Самарқанд давлат тиббиёт университетида клиник база сифатида фойдаланиш учун

ўтказиш, университет қошидаги Спорт тиббиёти ва реабилитология илмий-тадқиқот институтида 200 ўринли соғломлаштириш ва даволаш мажмуасини барпо этиш ҳамда университет қошида стоматология клиникасини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиб ва амалий тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланган.

Республика олий таълим муассасалари орасида биринчилар қатори университетимизнинг халқаро ISO сертификатига эга бўлганлиги, бу таълим жараёни халқаро стандартларга мос равишда давом этаётгани, халқаро рейтингларга кириш имкониятимиз ошиб бораётганини ифодалайди. Университетимиз нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам ўз мақомига эга эканлигини англатади.

Ҳозирги кунда университет хорижий ҳамкорлар билан 166-та меморандум имзоланган ва турли хил илмий-амалий, ўқув ишлари олиб борилмоқда. 2024 йилни ўтган даври давомида университетга Германия, Италия, Франция, Америка, Буюк Британия, Япония, Хитой, Корея, Астрия, Туркия, Россия, Чехия, Беллоруссия, Уругвай, Нидерландия, Тожикистон, Козогистон, Покистон, Индия, Қирғизистондан 45 делегация ташриф буюрди. Яқин келажакда университетимизни “ТОП 1000” жаҳон рейтингига университетлар қаторига кириши учун етарли имкониятлар мавжуд. Жамоамизнинг бутун потенциали мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун малакали ҳамда жаҳон талабларига мос кадрларни тайёрлаш ва тиббиёт тизимида амалга оширилаётган оламшумул ислохотларга кўмаклашишга тўлиқ сафарбар қилинган.

Учинчи Ренессанс пойдеворида турган Янги Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ва олий тиббий таълим соҳалари жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва катта умидлар билан келажак сари интиломоқда.



корликда университетнинг 1-сон ва 2-сон хирургик касалликлар, 1-сон ва 2-сон ички касалликлар, 1-сон акушерлик ва гинекология, гематология, 1-сон ва 2-сон педиатрия, травматология ва ортопедия, умумий хирургия, кўз касалликлари, анестезиология ва реанимация, 1-сон ва 2-сон оториноларингология ҳамда педиатрия факультетининг хирургик касалликлар кафедралари барча туман ва шаҳарларга бириктирилди ҳамда кафедралар клиник базалари туман тиббиёт бирлашмаларига жойлаштирил-

DSc диссертацияларини ҳимоя қилмоқдалар. 2024 йил давомида университетда 200 дан зиёд халқаро ва Республика конференция, вебинар, мастер-класс, форум ва кўргазмалар ташкил этилди. Университетда ёш олимлар мактаби ташкил қилинган, 110 та давлатларнинг нуфузли университетлар ва клиникалар ҳамкорлигида академик ҳамда илмий мобиллик доирасида ёш олимларга дарслар ташкил қилинмоқда. Самарқанд давлат тиббиёт университетида 2020 йилдан бошлаб ҳар йили декабрь

плаб ютуқлар эгасига айланди десак, муболаға бўлмайди.

Биргина олий таълим даргоҳининг маънавий-маърифий ҳаётига назар соладиган бўлсак, жорий йилда университетимиз кўплаб турли анжуманлар, форумлар, маънавий-маърифий ва спорт тадбирларига мезбонлик қилди. Талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида университетда маданият ва санъат йўналишида фаолият кўрсатаётган 7 та бадий (“*Талабалар театр студияси*”, “*Ашула ва рақс ансамбли*”,

Барчамизга маълумки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш Давлатимиз раҳбарининг доимий диққат маркази ва гамхўрлиги остидадир.

Дарҳақиқат инсонга эътибор, аввало унинг саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар қандай касалликдан ҳоли тарзда бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришига шарт-шароит яратишдан бошланади. Шу боис, халқимизни тиббиётдан рози қилиш, Президентимизнинг тиббиёт ходимларига бўлган ишончини оқлаш, ватанимиз равнақи учун садоқат билан хизмат қилиш асосий бурчимиздир.

Вилоятимизда 2 та оилавий поликлиника ва 8 та оилавий шифокорлик пунктлари ташкил этилиб, Уларнинг сони 163 тадан 200 тага кўпайди. Натижада 108 минг нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди. Вилоятимиз аҳлига 39 мингдан ортик тиббиёт ходимлари сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шифокорларнинг 12 нафари тиббиёт фанлари доктори, 38 нафари тиббиёт фанлари номзоди, 3109 нафари тоифали шифокорлардир. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 сентябрдаги 510-сон қарори билан Тошкент вилоятида 34 та МФЙ олис ва чекка ҳудудларида 34 нафар шифокорлар меҳнат фаолиятини олиб бормоқда, улардан 23 нафарига 30 миллион сўм миқдорда бир маргалик бошланғич ёрдам пули берилди. Вилоятдаги вакант шифокор ўринларни тўлдириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024-йил 16-сентябрдаги топшириқ хатига асосан Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг тор соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёж юқорилиги инобатга олиниб, мавжуд вакант ўринларни тўлдириш мақсадида 2024-2025 ўқув йилида клиник ординатура қабулига қўшимча равишда квота ўринлар ажратилиб, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси 300 нафар клиник ординаторлар билан кадрларни тайёрлаш ва ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга қўмаклашиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Шунингдек, 3 миллион 087 минг 426 нафар умумий аҳоли сонининг 3 миллион 035 минг 135 нафари хатловдан ўтказилди. Мудофаа вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббусига кўра, жами 148 та маҳаллаларида сайёр тиббий кўриқлар ўтказилиб, жами 12 637 нафар фуқаро жалб этилди. Уларнинг 7 878 нафар фуқароларда турли касалликлар аниқланиб соғломлаштирилди. Бунинг баробарида Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий клиник госпитали ва Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидан 25 нафар беморларда эндопротезлаш ва стентлаш (21 нафар беморнинг сон-чанок бўғимларини эндопротезлаш учун 455 миллион 700 минг сўм ва 4 нафар беморда юрак кон-томир тож томирларини стентлаш учун 60 миллион сўм) операцияларига муҳтожлиги сабабли

сарфлов воситалари учун Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ажратилган жами 515 миллион 700 минг сўм маблағлар ҳисобидан сарфлов воситалари олинди ҳамда беморларга бепул тарзда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди. Шу билан бирга Республика ихтисослаштирилган марказлари ҳудудий филиалларида 220 турдаги янги технологик даволаш ва диагностикалар амалиётга тадбиқ этилди. Жумладан, буйрак трансплантацияси, торақоскоп орқали кўкрак қафасида мураккаб жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Мил-

венцион ангиография” аппарати ўрнатилди. 1 027 нафар беморларда коронарография амалиёти ўтказилиб уларнинг, 124 нафарда юрак-кон томирларини стентлаш амалиёти олиб борилди. 2025 йилда эса 500 нафар беморга стент қўйиш амалиёти режалаштирилган. Республика шoshiлич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали ва вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 4 нафар беморда буйрак трансплантацияси муваффақиятли амалга оширилди. Ўпка касалликларини барвақт аниқлаш мақсадида ҳокимлик томонидан “Isuzu” автобуси учун 628 миллион сўм пул маблағлари ажратилди ва тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозирда мобил тиббий автобус аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Республика



Тўрақул АРЗИҚУЛОВ,
Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори.

ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУЖАССАМ



лий тиббиёт маркази ходимлари билан “Мобил ангиограф” аппарати ёрдамида ҳудудларга чиққан ҳолда имтиёзли тоифага кирувчи, эҳтиёжманд аҳоли ва юрак кон-томир касалликлари билан шикоят қилган жами 2500 дан ортик аҳоли коронарография қилиниб уларнинг 30 нафарига стент ва 6 нафарига аорта коронар шунтлаш юқори технологик жарроҳлик амалиёти



бажарилди. Аҳоли учун яна бир қулайликлардан Бекобод туман тиббиёт бирлашмасида юрак-кон томир касалликлари билан оғриган беморлар учун “интер-



шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалида “интервенцион ангиография” аппарати ўрнатилиб, реконструкция ишлари учун

вилоят ҳокимлиги томонидан 350 миллион сўм ажратилди. Натижада тез тиббий ёрдамга муҳтож юрак – коронар томирида муаммоси бор беморларга ўз вақтида малакали тиббий хизмат кўрсатилишига эришилади. Вилоят қон қуйиш станцияси 185 миллион 400 минг сўмлик 5 турдаги 13 донна тиббий ускуналар билан таъминланди. Шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига 6 миллиард 391 миллион 211 минг сўмлик 3 турдаги 253 донна физиотерапия ускуналари тарқатилди. Осиё тараккиёт банки лойиҳаси томонидан туман тиббиёт бирлашмалари оилавий поликлиника ва оилавий шаҳар поликлиникалари 5 миллиард 434 миллион 664 минг сўмлик 13 турдаги 2308 донна замонавий

асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбарининг 12-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти болалар фтизиатрия сифатгоҳи маҳаллий бюджет ҳисобидан 110 миллион сўм маблағ эвазига 7 турдаги 7 донна физиотерапевтик ускуналар билан таъминланди. Оналар ва болалар саломатлигини сақлаш мақсадида 54 минг нафар 7-23 ойлик болаларни микронутриент кукунлари, 517 минг нафар 3-15 ёшли болаларни йод препаратлари, 407 минг 038 нафар 15-35 ёшдаги аёллар темир препарат-

лари, 40 минг нафар ҳомилдорларни витамин комплекслари бепул таъминлаш дастур асосида амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали, Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлимларида жами 40 ўринли гематология бўлими фаолияти йўлга қўйилди.

Хулоса ўрнида айтишим жойизки, юқорида таъкидлаб ўтилган барча амалий фаолиятларимиз вилоятимиз аҳолисининг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлашда асосий ўринга эга бўлмоқда. Албатта, бундай самарали ишларни йўлга қўйиш, тиббий хизмат сифатини оширишда Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қабул қилаётган меъёрий ҳужжатлари ҳамда инсонлар саломатлигига бўлган эътибор ва гамхўрликлари ўз ифодасини топмоқда. Эътирофлиси шундаки, халқимиз бу каби кенг имконият ва шароитлардан мамнун бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз аҳлини кйриб келаятган Янги йил билан самимий қутлайман.

ЮРТИМИЗ ШИФОХОНАЛАРИДА



Элёр ОЛТИЕВ,
Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

Вилоят аҳолиси-га жами 251 та тиббиёт муассасалари, шундан 31та вилоят даражасидаги шифохона ва диспансерлар, 13 та туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, 82 та оилавий поликлиника ва 13 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 96 та оилавий шифокорлик пунктлари, 139 та маҳалла тиббиёт пунктлари томонидан тиббий хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.

Вилоятнинг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида 983 та тиббиёт бригадалари ташкил этилган бўлиб, уларда жами 2544 нафар патронаж ҳамшира, 1174 нафар амалиёт ҳамшираси, 614 нафар доялар

салликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг дастурлари, профилактик кўриклар режаси ишлаб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланди. Унга асосан, Онкогематологик

эса 66 110 нафар аёл скринингдан ўтказилади. Ҳомиладорлигига монелиги бўйича 15-49 ёшли аёлларни профилактик кўриклардан ўтказиш йўналишида 506 123 нафар аёл текширишдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Вилоятда хусусий сектор тиббиёт муассасалари сони 702 тани ташкил этиб, уларнинг 29 таси янги ташкил этилиб, 7 тасининг фаолияти кенгайтирилди. Хорижий клиникалардан Ҳиндистон давлатининг "MEDANTA HEALTH CARE" МЧЖси офтальмология ихтисослигида, Жанубий Корея давлатининг "HIMCHAN" МЧЖ клиникаси травматология-ортопедия, нейрохирургия, реабилитология ихтисослигида, Туркиянинг "TURK-BUKHARA ECO CENTRE" МЧЖси репродуктология ихтисослигини ташкил қилиниб фаолият юритиб келмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида самарали фаолиятлар қаторида ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Шун-



цияни олдини олиш. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ТТБ (ШТБ) ва вилоят ДПМлари раҳбарларини ҳар 5 йилда ротация қилиб бориш. Никоҳланувчи ёшларни никоҳдан олдинги тиббий кўригини сифатли ўтказиш ва улар орасида генетик текширувларни йўлга қўйиш. Никоҳланувчи ёшларнинг никоҳ олди тиббий кўрик хулоса-

Худудларда юрак қон-томир, асаб ва ошқозон-ичак тизими касалликлари, юрак ишемик касаллиги, артериал гипертония, қандли диабет ва семизликнинг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда ушбу касалликларни профилактика қилиш мақсадида тадбиркорларни жалб қилган ҳолда "фаст-фуд" ошхоналари ўрнида парҳез таомлари ошхоналари(диеткафе) ни ташкил этиш. Давлат муассасаларида ишчи ходимлар соғлигини мунтазам назорат қилиб бориш мақсадида "бўй - вазни индекси"ни ҳисоблаб бориш таъминларини қатъий равишда жорий қилиш ҳамда мониторингини юритиш. Маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда аҳоли орасида соғлом овқатланиш, жисмоний фаолликни ошириш ва зарарли одатлардан воз кечиш бўйича кенг қамровли тизимли ишларни йўлга қўйиш.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ШАФФОФЛИККА РИОЯ ҚИЛИШ ЖУДА МУҲИМДИР



фаолият кўрсатиб келмоқда. 2024 йил бошидан 611 нафар ҳамширалар доялик мутахассислиги бўйича қайта ўқитилди. Жорий йилнинг ўтган даври давомида 2 025 299 нафар вилоят аҳолиси тиббий хатловдан ўтказилиб, уларнинг 25,3 фоизидан сурункали касалликлар ва ногиронлик ҳолатлари аниқланиб, бугунги кунгача 65фоиздан ортиқ фуқароларда соғломлаштириш ишлари олиб борилди ва бу жараён давом этмоқда. Бундан ташқари, профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ҳамда скрининг текширишлари натижасида 511 776нафар бемор аниқланиб, улардан нафас олиш аъзолари касалликлари (38,4 фоиз), жароҳатланиш, захарланишлар ва айрим ташқи сабаблар билан боғлиқ асоратлар (17,2 фоиз), қон айланиш тизими касалликлари (14,1 фоиз) энг юқори кўрсаткичларда аниқланди. Аҳоли орасида ка-

касалликларни эрта аниқлаш бўйича 3-18 ёшли болалар орасида 510 286 нафар, гельминтоз касалликларини аниқлаш бўйича 2-10 ёшли 309836 нафар болалар скринингдан ўтказилди. Касаллик аниқланган бемор болалар тўлиқ назоратга олинган.

2024 йилнинг ўтган даврида 45-65 ёшли аёллар орасида сут беги саратон касаллигини эрта аниқлаш бўйича 68 761 нафар аёл скринингдан ўтказилди. Шундан 285 та беморда рак олди касаллиги, 213 нафар беморда сут беги хавфи ўсмаси аниқланиб, 168 нафар бемор тўлиқ даволанди. 45 нафар бемор даволанишда давом этмоқда. Бундан ташқари, 55 169 нафар 35-55 ёшли аёл бачадон бўйини саратон касаллигига скринингдан ўтказилиб, 214 нафар аёлда рак олди касалликлари, 73 нафарида эса рак касаллиги аниқланиб, уларнинг барчаси тўлиқ даволанди. Йил якунига қадар

дай экан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соҳада шаффофликка риоя қилиш, коррупция ва таъмагирлик ҳолатларининг олдини олиш, ҳалоллик вакцинаси таъминларига риоя қилиш, мансабни суистеъмол қилиш каби ҳолатларига барҳам бериш мақсадида қуйидагиларга эътибор қаратишимиз зарур деб ўйлайман.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги масъул ходимлар (кадрлар бўлими бошлиқлари, бош ҳисобчилар, бош иқтисодчилар, бош ҳамширалар)ни ҳар уч йилда ротация қилиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий ҳужжатини ишлаб чиқиш. Туман ва шаҳар ҳамда тизимдаги даволаш-профилактика муассасалари шунингдек, ташкилот ва корхона раҳбарлари захира кадрларини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида стажировкадан ўтиш учун 6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатда ишга қабул қилиш. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосарлари лавозимида тайинланган номзодларни Соғлиқни сақлаш вазирлигида 6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатда стажировкадан ўтказиш. Соғлиқни сақлаш тизими раҳбар ходимларини молия ва иқтисод ҳамда раҳбар этикети бўйича камида 4 ой давомида Президент хузуридаги давлат бошқарув академиясида малака оширишини ташкиллаштириш. Вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли фармойишига асосан тиббиёт йўналиши бўйича раҳбарларни ойлик маошига 10 миллион сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча тўловларни жорий қилиш орқали корруп-



си мавжуд бўлмаган ҳолларда, шаърий ёки қонуний никоҳ ўқилишига чек қўйиш ҳамда бу борада тўйхоналар раҳбарларини қатъий огоҳлантириш. Худудлар кесимида туғиш ёшидаги аёллар орасида мутлок ва нисбий ҳомиладорликка моънелиги бўлган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш. Рўйхат асосида ҳар бир мутлок ва нисбий ҳомиладорликка моънелиги бўлган аёлларни контрацептив воситалар билан қамраш чораларини кўриш. Маҳалла еттиги билан биргалликда қариндошлар орасидаги никоҳга йўл қўймастик, ўсмир қизлар орасида эрта туғруқни олдини олиш, оилани режалаштириш, исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш, туғруқлар орасидаги интервални сақлаш ва ногирон фарзандлар туғилишини олдини олиш бўйича тизимли тарғибот ишларини олиб бориш.

Таъкидлаш жоизки, Республикада нуфузли бўлган ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари билан тизимни янада яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида, меморандумлар имзоланди. Жумладан, пойтахтимиздаги Миллий тиббиёт маркази билан ҳамкорлик меморандуми имзолади. Эътирофлиси шундаки, Миллий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда сўнгги бир ойда Бухоро вилоятида кўплаб амалий ишлар бажарилди. Марказ раҳбари Мақсуд Саидов келгусида юрак-қон томирида касалликларни бўлган 5 мингдан ортиқ бухороликларни вилоятнинг ўзида даволашга кўмаклашини билдириб ўтди.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз аҳолисини кириб келаятган Янги йил билан табриклайман.



Сухроб ЗАЙНИЕВ,
Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

лаштирилди ва 14-нафарида полихимиотерапия муолажалари ўтказилди). Кардиология йўналишида Самарқанд давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда кардиология, кардиохирургия, аритмология ва рентгенэндова-скуляр хирургия мутахассислиги бўйича Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси билан қўшма таълим тизимида клиник ординатура очилди. Ушбу қўшма таълим йўналишини 6 нафар ёш кадрлар тугатиб, ўз фаолиятларини бошлади. Ҳозирда 16 нафар ёш кадрлар таълим олишмоқда. Марказ томонидан 12 нафар ходим чет элда малакасини ошириди (кардиохирургия, аритмология, рентгенэндоваскулярная хирургия йўналиш бўйича). Марказ моддий техник базасини яхшилаш мақсадида янги диагностика ва даволаш асбоб ускуналар шу



Республикаси, Буюк Британия, Корея, Испания каби давлатлар трансплантация марказида малака ошириб келишди. Гематология, Оториноларингология ва урология кафедралари марказ биносида жойлаштирилиб тиббиёт университети билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Республикада ягона иммуногенетик лаборатория ташкил этилди. 3 нафар

нуфузли клиникаларда ўз малакаларини ошириб қайтишди. 10 та чет давлатларнинг нуфузли клиникаларининг 24 нафар профессорлари марказ мутахассислари учун мастер класс тарзидаги операциялар, маҳорат дарслари ўтиш учун марказга ташриф буюришди. Қўшраборт туманида 26-нафар беморларда жарроҳлик 2 нафар болада эса очик юракда юқори-технологик кардио жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Кейинги йилларда марказда илмий ишлар борасида фан номзодлари PhD 15 нафарга, доцентлар сони 7 нафарга ва тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар 2 нафарга етди. Ҳозирги кунда ҳам 5 нафар ходим номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш арафасида. Сўнгги 4 йилда 124 та илмий мақола чоп этилди, 36 та патент олинди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 26 нафар ходимлар етакчи чет эл клиникалари (Жанубий Корея, Туркия, Россия Федерацияси, Беларусь, Ҳиндистон, Хорватия, Хитой, Италия, Исроил, Грузия, Англия давлатлари)да ўз малакаларини оширдилар. Шу билан бир каторда Озарбайжон, Исроил, Россия Федерацияси, Германия, Туркия ва Ҳиндистон каби давлатлар етакчи клиникалари билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Имзоланган меморандумларга кўра, юқоридаги давлатлардан жами 21 нафар мутахассислар клиникага ташриф буюришиб, ўзаро билим ва тажриба алмашдилар, биргаликда юқори технологик жарроҳлик амалиётларини бажардилар. Шифохонада давлат тиббий сўгурта жамғармаси томонидан 299 нафар бемор даволаниб, 7 миллиард 878 миллион 545 минг сўм маблағлар ўзлаштирилди. Марказ ходимлари томонидан 42 турдаги янги турдаги жарроҳлик амалиётлари жорий этилди. Туманларда 8 та янги турдаги жарроҳлик амалиётлари амалиётга жорий қилинди. Аҳамиятлиси, Қўшраборт туманида илк бор 3-нафар беморда бор чанок-сон бўғимини эндопротезлаш юқори технологик операцияси бажарилди.

Вилоятимизда хусусий тиббиёт муассасалари 30 тага қўпайиб, умумий сони 680 тага етди. Бундан ташқари, 7 та муассаса давлат-хусусий шериклик асосида иш бошлади.

Албатта, 2024 йилда тизимда эришган ютуқларимиз қаторида амалга ошириш керак бўлган истикболдаги режаларимиз ҳам кўзда тутилган. Мақсадимиз инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва сифатли тиббий кўрсатишдан иборат экан, бор имконият ҳамда касбий билимларимизни сафарбар этамиз.

Барча ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил билан қутлаб, масъулиятли ва шарафли ишларга зафарлар тилайман.

ДАВОЛАШ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.



Кейинги йилларда мамлакатимиз тиббиёт тизимида туб ўзгаришлар бўлиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш янада яхшиланиб бормоқда. Жумладан, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида ҳам самарали фаолиятлар йўлга қўйилган. Вилоятимизнинг 4 миллион 118 минг 471 нафар аҳолисига соғлиқни сақлаш тизимидаги 350 га яқин тиббиёт муассасалари ва 8100 нафар шифокор ҳамда 30 минг нафар ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Тизимда бирламчи тиббиёт бўғинини мутлақо янги ёндашувлар асосида тубдан ўзгартиришга киришилди, ўтган йилдан бошлаб, ҳар бир маҳаллада “хонадонбай” ишлайдиган 1 960 та тиббий бригадалари ташкил этилди, аҳолига сифатли тиббий ёрдамни кенгайтириш мақсадида, бирламчи тизимга 2 500 та ўрта тиббиёт ходимлари учун штатлар ажратилди, қишлоқларда жойлашган 54 та оилавий поликлиника янги замонавий физиотерапия аппаратлари билан таъминланди, қишлоқ ва маҳаллаларда 5 турдаги янги тиббий хизматлар йўлга қўйилди. Натижада яна 50 минг нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ҳар 2000 нафар аҳолига 1 та, вилоят бўйича 1960 та тиббиёт бригадалари ташкил этилиб, оилавий шифокорга ёрдам берадиган умумий амалиёт ҳамшираси, патронаж ҳамширалари, патронаж доялар фаолият олиб бормоқда. Шифокор олди кўрик хоналари ташкил этилиб, умумий амалиёт ҳамшираси лавозими жорий қилинди ва оилавий шифокорнинг 40 фоиз юкланмаси ўрта тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилмоқда. Амалиётда кам самара берган аҳолининг чуқурлаштирилган тиббий кўриклари ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича даврий профилактик кўриklar ва тиббий скрининг текширувлари ўтказилиб келинмоқда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида рақамлаштириш ишларини янада жадаллаштириш мақсадида 2021 йиллар давомида

50 та, 2022-2024 йиллар давомида 374 та давлат тиббиёт муассасалари ички локал тармоқ билан тўлиқ таъминланди. Республикада йўлга қўйилган “электрон поликлиника” тизимида 350 дан ортик бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ишлатмоқда.

Ижтимоий соҳаларда онкология йўналишида 27 турдаги илгари бажарилмаган 5645 та юқори-технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилишига эришилди. Кам инвазив эндохирургия амалиётлари 2023 йилда 1034 та, 2024 йилда 1673 та бажарилди. Маҳаллий ва марказлашган бюджет маблағлари ҳисобидан 70 дан ортик, жами 15 миллиард 404 миллион сўмга замонавий диагностика аппаратуралар ва тиббий жиҳозлар харид қилинди. Марказда иммуногистохимиявий лаборатория ташкил этилди ва замонавий лаборатория жиҳозлари ва реактивлари билан таъминланди. Мобиль маммограф ускунасида 45-65 ёшдаги 2188 нафар аёл текширувдан ўтказилиб, 29 нафар аёлда кўкрак беги саратони 1-2 босқичларда аниқланди. (3 нафарида оператив даво, 157 нафар аёлда ўсма олди касалликлари аниқланиб ўз вақтида даволаниб соғлом-

жумладан, ЭХОКГ (эспорт вариант) 1 дона, ХМЭКГ 50 дона, ЭКГ 6 дона, S дуга 1 дона, криоаблатер 1 дона харид қилинди. Шунингдек, марказда замонавий юқори технологик амалиётлардан 5908 та амалиёт ўтказилди. (юракда очик операциялар 450та, юрак мураккаб ритм бузилиш операциясини даволаш 284 та, рентгенэндоваскуляр 5174 та амалиётлар бажарилган). Каттакўрғон туманида 3000 тадан ортик беморлар 2 ой давомида кўриқдан ўтказилди ва кўрсатма бўлган беморларга мобиль ангиограф орқали 450 нафар аҳолига коронарография текшируви амалга оширилди, уларнинг 10 нафарига жойида стентлаш амалиёти бажарилди. Қўшраборт туманида мобиль ангиографда 2000 тадан ортик беморлар кўриқдан ўтказилди. Мобиль ангиограф орқали 550 нафар аҳолига коронарография текшируви олиб борилди. Шундан 30 нафарига стентлаш амалиёти ўтказиш учун йўлланмалар расмийлаштирилди. Сўнгги 3 йил давомида буйрак, жигар, суяк кўмиги трансплантацияси соҳасини ривожлантириш мақсадида 100 дан зиёд мутахассис ходимлар Туркия, Ҳиндистон, Россия, Беларусь, Хитой Халқ

беморда аутологик суяк кўмиги ўзак хужайралари трансплантацияси, 7 нафар беморда жигар трансплантацияси ва 98 нафар беморда буйрак трансплантацияси операциялари муваффақиятли ўтказилди.

Охириги йилларда вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт марказида бир нечта юқори технологияли бўлимлар ва хизматлар ташкил этилди. Жумладан, болалар кардиохирургияси, болалар ангиохирургия (рентген-эндоваскуляр-хирургия)си ва болалар гемодиализи бўлимлари. Шунингдек, кўкрак қафаси қилсимон деформацияларида кам-инвазив операциялари йўлга қўйилди, болаларда қулоқдаги патологияларни туғма ва ортирилган турларини аниқлашда компьютерли аудиометр аппарати олиб келинди ва бўлим ташкил этилди. Марказ болалар гематологияси бўлимлари негизда 35 ўринли янги болалар гематологияси ва онкологияси бўлими фаолият бошлади. Болаларда мураккаб текширишларни амалга ошириш мақсадида МРТ-хонаси ҳам фаолиятда. Болаларда каминвазив ва эндохирургия хирургия усулларини кенг қўлланилиши таъминланди. Йил давомида 15 нафар мутахассислар чет элдаги

ТАЛАБАЛАР УЧУН ХАЛҚАРО АЛМАШИНУВ ДАСТУРЛАРИ

Улар ушбу дастурлар орқали хорижий университетларда ўқиш ва илмий тадқиқотларда иштирок этиш имкониятларига эга бўлишмоқда

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасида етакчи ўқув юртиларидан бири сифатида, 2024 йилда халқаро ҳамкорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Институтнинг халқаро алоқалари, илмий тадқиқотлар ва таълим жараёнларини глобал стандартларга мослаштиришда муҳим аҳамиюай касб этмоқда. Ушбу йилда олиб борилган ҳамкорликлар натижасида бир қатор муваффақиятларга эришилди ва янги имкониятлар яратилди.

Жорий йилда институт турли давлатларнинг етакчи университетлари, тиббиёт марказлари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан 50 та ҳамкорлик шартномалари имзолади. Улар орасида АКШ, Жанубий Корея, Италия, Германия, Россия, Туркия, Хитой, Белгия, Ҳиндистон, Болгария ва Литва каби давлатлар мавжуд бўлиб, ушбу мамлакатлар билан илмий тадқиқотлар, академик алмашинувлар ва тажриба ўрганишлар олиб борилди. Бухоро давлат тиббиёт институти халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада институтнинг асосий мақсади – глобал тиббиёт соҳасидаги янги билимлар ва тажрибаларни тадқиқ қилиш, ўз илмий тадқиқотларини янада ривожлантириш ва талабаларига энг яхши таълим беришдир. Халқаро ҳамкорлик орқали институт нафақат ўзининг обрўсини оширмоқда, балки халқаро тиббиёт ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

2024 йилда Бухоро давлат тиббиёт институти бир қатор халқаро лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. Ушбу лойиҳалар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- **Халқаро лойиҳалар:** Эрасмус + дастури асосида УзМедЭн ва СОЛИД дастурлари асосида Институт Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда тиббий тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу тадқиқотлар асосан касалликларни профилактика қилиш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва тиббий муҳандислик соҳаларига қаратилган.

- **Таълим дастурлари:** Ҳозирги кунда институтда Россия, Ҳиндистон, Полша, АКШ, Қозғистон давлатлари ТОП-1000 таликка кирган ва нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда 20 та қўшма таълим дастурлари халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган. Бу дастурлар, талабалар учун янги билимлар ва кўникмаларни ўзлаштириш имконини бермоқда.

- **Конференциялар ва семинарлар:** 2024 йилда институтда бир қатор халқаро илмий конференциялар ва семинарлар ўтказилди. Бу тадбирлар, глобал тиббиёт соҳасидаги муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва янги илмий ютуқларни баҳам кўриш учун платформа бўлиб хизмат қилди.

Бугунги кунда институтда Ҳиндистон, Иордания, Покистон, Туркменистон, Эрон давлатла-

ри билан бирга АКШ ва ҳатто Австралия каби жами 20 та давлатдан 1000 дан ортиқ талабалар тахсил олмоқда. Хорижий талабалар учун барча шароитлар яратилган, жумладан, ўқув юртининг замонавий аудиториялари, юқори малакали ўқитувчилар, тил курслари, спорт иншоотлари ва дам олиш зоналари билан таъминланган. Шунингдек, талабалар турар жойи, озиқ-овқат ва соғлиқни сақлаш хизматлари ҳам мавжуд. Бу эса хорижий талабалар учун ўқиш ва яшашни қулай ва самарали қилади. Институтнинг халқаро ҳамкорлиги



натижалари доирасида биринчи навбатда талабалар ва профессор-ўқитувчилари учун алмашинув дастурлари амалга оширилди. 2024 йилда 70 дан ортиқ талабалар турли мамлакатларда стажировка, академик мобиллик доирасида бир ойдан бир йилгача ўқишга юборилди. Бу жараён, талабаларнинг халқаро тажриба орттиришлари, янги билимлар олишлари ва маданий алмашинувлар орқали шахсий ва профессионал ривожланишларига катта ҳисса қўшади. Шу билан бирга халқаро ҳамкорлик натижасида институтнинг 181 нафар профессор-ўқитувчилари хорижий университетларда ўқиш, стажировка ўташ ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Бу эса ўз навбатида, уларнинг ўқитиш услубларини янгилаш ва талабаларга замонавий билимларни етказиш имконини берди.

Талабалар эса, халқаро алмашинув дастурлари орқали хорижий университетларда ўқиш ва илмий тадқиқотларда иштирок этиш имкониятидан фойдаланишди. Бу тажрибалар, уларнинг тиббиёт соҳасидаги билимларини кенгайтириш, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг тиббий тизимлари билан танишиш имконини берди.

Институт профессор-ўқитувчилари ва делегацияси ўз тажрибаларини баҳам кўриш ва бошқа

мамлакатларда Ўзбекистон тиббиётининг ютуқларини намойиш этиш мақсадида халқаро конференцияларида ҳам ўз маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқдалар.

2024 йил Бухоро давлат тиббиёт институти учун инновациялар ва янги технологияларни жорий этиш йили ҳам бўлди. Институт клиникасида халқаро ҳамкорлик доирасида юқори технологик операцияларни ўтказиш ва жорий этиш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. БДТИ



BUHARA 2024

тиббий хизматларни кўрсатиш имконини бериб, беморлар учун қулайлик яратди. Халқаро ҳамкорлик орқали олинган тажрибалар, телемедицина хизматларини янада такомиллаштиришга ёрдам берди. Симуляция марказига институт ҳамкори бўлган марҳум Паван Абрахам томонидан 25000 АКШ долларига хомийлик асосида симуляцион симулятор ва муляжлар тақдим этилди. Бу марказда талабалар амалий кўникмаларни ривожлантириш учун замонавий симуляторлардан фойдаланиб келишмоқда



клиникаси хирургия бўлимида, умумий хирургия кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан навбатдаги юқори технологик операция-Лапароскопик холецистектомия амалиёти бажарилди. Исматов Жамшед, Ҳикматов Жасур, пластик хирург Тўраева Маликалар томонидан Россиялик мутахассис (Краснодар шаҳри) билан ҳамкорликда ўпка, трахея ва кўкс оралиғидаги хирургик касалликларда юқори технологик операцияларни ўтказилди. Бу технологиялар, касалликларни аниқлаш ва даволашда самардорликни оширишга имкон берди. Телемедицина соҳасида ҳам институт қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу масофавий

Бундан ташқари институт 2024 йилда иккита халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтига Жаҳон тиббий таълим федерацияси (WFME)нинг 12 нафар экспертлари институтни халқаро аккредитациядан ўтказиш мақсадида ташриф буюришди. Экспертлар гуруҳи 3 та таълим йўналиши бўйича институтдаги мавжуд бўлимлар ва кафедраларнинг керакли ҳужжатларини таҳлил қилишди. Экспертлар таркиби Қозғистонлик, Венгерялик ва Ўзбекистонлик тиббиёт муассасаси ходимларидан иборат экспертлар 9 та стандарт юзасидан соғлиқни сақлаш соҳасида инсти-

тутининг таълим дастурларини аккредитация қилиш ва тиббий таълим муассасасининг мақоми, ташкилий-ҳуқуқий шакли, мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, таълим сифатини таъминлаш тизимини ташқи баҳолашди. Иккинчи халқаро аккредитация Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги Олий таълим ва илмий тадқиқот вазирлиги томонидан институционал аккредитация ўтказилган бўлиб, бунда институт профессор-ўқитувчилари салоҳияти, институт моддий-техник базаси, талабаларга яратилган шароитлар бево-сита ўрганилди.


Бухоро давлат тиббиёт институти халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришни режалаштирмоқда. Келажакда институт, қуйидаги йўналишларда ишлашни мақсад қилмоқда. Жумладан, Янги ҳамкорликлар: Халқаро тиббиёт муассасалари билан янги ҳамкорликлар ўрнатиш ва мавжуд алоқаларни кучайтириш. Бу, ўз навбатида, билим ва тажриба алмашишни янада кенгайтиради. Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали тиббиёт соҳасида янги ютуқларга эришиш. Бу лойиҳалар, касалликларни даволаш ва профилактика қилишда янги усулларни камраб олади. Халқаро конференциялар: Ҳар йили халқаро илмий конференциялар ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу тадбирлар, тиббиёт соҳасидаги муҳим масалаларни муҳокама қилиш ва янги илмий ютуқларни баҳам кўриш учун муҳим платформа бўлади. Талабаларни ўқитилиши: Талабалар учун халқаро алмашинув дастурларини кенгайтириш ва уларнинг имкониятларини ошириш. Хорижий талабалар географияси ва сонини кенгайтириш. Бу, ўз навбатида, институтнинг молиявий барқарорлигини ошириш билан бирга мамлакатимизга инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради.

2024 йил Бухоро давлат тиббиёт институти учун халқаро ҳамкорлик натижалари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, нафақат профессор-ўқитувчилар ва талабалар, балки бутун тиббиёт соҳасида янги имкониятлар яратди. Халқаро ҳамкорлик, институтга глобал тиббиёт жамиятида ўз ўрнини мустаҳкамлаш, янги билимлар ва тажрибаларга эга бўлиш имконини берди. Келажакда ҳам, Бухоро давлат тиббиёт институти халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда давом этади ва тиббиёт соҳасида янги гоълар ва инновацияларни амалга оширади.

Лазиз НИЁЗОВ,
Бухоро давлат тиббиёт институти Халқаро ҳамкорлик бўйича проректори.



ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДАВР ТАЛАБИ



Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳамширалик иши таълими сифатини оширишга катта эътибор қаратилди. Бу албатта, соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини кучайтириш ва таълим тизимини халқаро стандартларга мослаштириш зарурати билан боғлиқ.



50 фоизи амалий машғулотларга бағишланади, бу Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсиялари ва халқаро стандартларга мос келади. Шу ўринда айтишим лозимки, ўқув дастурларини доимий равишда янгилаб бориш ҳамда илғор соғлиқни сақлаш тизимларида қабул қилинган янги услуб ва стандартларни таълим жараёнига жорий этишда ЖССТ ва ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан биргаликда

гунги ютуқларни баҳолашда, таълим жараёнларини янада такомиллаштириш йўлларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот Ўзбекистонда ҳамширалик иши барқарор ривожланиши учун асос яратувчи янги ёндашувлар, таълим дастурлари ва истиқболларини таҳлил қилишга қаратилган. Бугунги кунда академиямизда самарали фаолиятлар олиб борилмоқда. Жумладан, талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,



халқаро тиббиёт маркази, Халқаро хусусий касалхонасининг ҳамширалар бўйича директори Эмел Ханум билан учрашувлар бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Юртбошимизнинг 197-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Туркия давлатининг "Соғлиқ билимлар университети" ректори профессор. Доктор Кемалеттин Айдин билан халқаро ҳамкорлик борасида меморандум имзоладик. Бундан қўзланган мақсад, икки томонлама таълим дастури асосида академия қошида "Соғлиқ билимлар университети"нинг "Олий ҳамширалик иши" йўналишини очиш ва ўзаро тажриба алмашишдир. Бундан ташқари, академиямизга Германия давлатидан Германия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Соғлиқни сақлаш сиёсати бўйича катта маслаҳатчиси Жаноб Ҳеннинг Ҳааб ва делегациянинг Лойиха менеждери, Мс Маргарете Пост, лойиха координатори, Уте Глоеклен хоним, "Термиз шаҳрида тиббий таълим ва малака оширишни модернизация қилиш" лойихаси раҳбари Корд Версмолдлар ташриф буюришди. Делегация учрашув давомида академиянинг фаолияти, семуляцион марказ ҳамда тренинг хоналари билан яқиндан танишдилар. Учрашув иккала томон учун манфаатли бўлиб, ушбу лойиханинг келажакда амалга ошириш йўллари келишиб олинди.

Раъно НОСИРОВА,
Ҳамширалар академияси ректори.

Аввало таъкидлаш муҳимки, ҳамширалик иши соҳасидаги ўзгаришлар 1999 йилда Давлатимиз раҳбарининг қабул қилган меъёрий ҳужжатлари доирасида тиббиёт мутахассислари учун янги таълим стандартлари жорий этила бошлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳамшираларни тайёрлаш, замонавий шароитда ишлаш зарурий талаблардан бири бўлиб келмоқда. Эътирофлиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 197-сонли қарорига асосан Абу Али ибн Сино номидаги Чилонзор соғлиқни сақлаш коллежи негизида Ҳамширалар академияси ташкил этилиши билан олий ҳамширалик иши таълими тизими янада мустаҳкамланди. Академия гуманитар фанлар, клиникага ва клиник модулларни ўз ичига олган инновацион дастурларни ишлаб чиқмоқда, улардан



ишлаб келмоқдамиз. Бу ўзаро ҳамкорлик нафақат ўзбекистонлик ҳамширалар малакасини оширишга шунингдек, соҳа ходимларининг халқаро ҳамжамиятдаги интеграциялашувига ёрдам беради. Юртимизда ҳамширалар тайёрлаш хусусиятларини ўрганиш бу-

уларнинг муаммоларини ўрганиш бўйича учрашувлар ташкил қилинмоқда. Мулоқот жараёнида ёшларни қийнаётган муаммолар ўрганилди ва ечими бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Тадбир сўнггида олий ҳамширалик иши йўналишлари ва мутахассисликлари бўй-

ича бакалаврият ва магистратура босқичида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, раҳбар ва педагоглари ҳамда ҳамширалар малакасини оширишнинг узлуксиз, яхлит тизимини яратиш, ўқув дастурлари интеграциясини таъминлаш, илмий салоҳиятни ошириш, шунингдек, тиббий таълим ҳамда илм-фан соҳасида ривожланган давлатлар билан халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш каби катор вазифалар бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, иқтидорли талабалар орасида талабалар илмий жамияти ташкил этилди ва ҳар ойнинг пайшанба куни йиғилиш ўтказилади. Академиямизда халқаро ҳамкорлик бўйича Тошкентдаги Вебстер университети муваққат ректори – Доктор Энтони Жарвис, Тошкент шаҳардаги янгидан кад ростлаётган пойтахтимиздаги "Ажибадем" Тошкент



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgz.uz

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
4 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 680 дона.
Буюртма рақами Г-1238.

Босмахонага
топирилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топирилди 23-00.